



# ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ АСОСИДА ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ЯНГИЛАНИШ САРИ



# **ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ АСОСИДА ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ЯНГИЛАНИШ САРИ**

*Рисола*

Тўлдирилган иккинчи нашри

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMII  
URGANCH FILIALI  
AXBOROT RESURSI  
MATERIALI

200

44211

Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент – 2017

УЎК 338.1:38(09)(575.1)

КБК 66.3(5Ў)

Х 29

Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгила-ниш сари. / Нашрға тайёрловчилар: М.Бекмуродов, Қ.Қуронбоев, Л.Тангриев. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – 108 б.

Мазкур рисолада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигига ишлаб чиқилган ва изчили оширилаётган ноёб хужжат – 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мамлакатимиз тараққиётини барча соҳа ва тармоқларда янги босқичга кўтариш борасидаги ўрни ва аҳамияти атрофлича ёритиб берилган, биз учун энг олий қадрият бўлган инсон хукуқ ва манфаатлари тўлиқ таъминланган эркин ва фаровон жамият барпо этиш юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар таҳлил этилган.

Рисола давлат ва нодавлат ташкилотлари ходимлари, маҳалла институти фаоллари, тарғиботчилар, таълим тизимида фаолият кўрсатадиган профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, талаба ва ўқувчилар, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳакида билим ва тасаввурга эга бўлишни истаган барча инсонлар учун мўлжалланган.

УЎК 338.1:38(09)(575.1)

КБК 66.3(5Ў)

ISBN 978-9943-4919-6-0

© Faafur Fулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий  
уйи, 2017

*Бизнинг вазифамиз – тўпланган тажириба ва илгор ҳалқаро амалиётга суюнган ҳолда, ўзимизнинг тараққиёт ва янгила-ниш моделини қатъий амалга оширишдан иборат.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти*

## **КИРИШ**

Мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев-нинг бевосита ташабbusи ва раҳбарлигига қабул қилинган ҳамда изчили амалга оширилаётган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг **бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси** тараққиётнинг янги босқичини бошлаб берди. Бу жараённинг амалий натижалари, белги ва хусусиятлари бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, энг муҳими, ҳалқимизнинг онгу тафаккури, интилиш ва ҳаракатларида яққол кўзга ташланмоқда. Шу маънода, Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистонни тез суръатлар билан ўзгараётган замон талаблари асосида жадал ривожлантиришнинг илмий-назарий, амалий-конструктив асосларини белгилаб берадиган, тараққиётнинг янги даври учун мўлжалланган муҳим дастуриламалдир, десак, айни ҳақиқат бўлади. Бу кенг кўламли, ноёб хужжат давлатимизнинг барча соҳаларида янгича ёндашув ва мезонларни жорий этиш, аҳолининг барча катламлари ўртасида ташабbusкорлик, тадбиркорлик, элу юртимиз тақдири ва келажаги учун масъулият ва дахлдорлик туйғусини ошириш, аниқ тизим асосидаги самарали фаолият тартибини жорий этишда тобора ҳал

қилувчи аҳамият касб этиб бораётганини ҳозирги кунда юртимизда ва хориждаги нуфузли эксперт ва таҳлилчилар, жаҳон сиёсат майдонида катта ўрин тутадиган атоқли давлат ва сиёсат арбоблари кенг эътироф этишмоқда. Ҳозирги вақтда давлат ва жамият бошқарувининг барча босқичларида танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом, қабул қилинаётган ҳар бир қонун, фармон ва қарор, жорий этилаётган янгиликка онгли муносабат биринчи ўринга чиқиб, ишчанлик мұхити кенг қарор топиб бораётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Ҳар бир соҳада давлат томонидан белгилаб берилган аниқ ва самарали тизим ва стандартлар асосида иш тушиш, масалан, иқтисодиёт соҳасини оладиган бўлсақ, нафакат маҳсулотлар сифатини, балки шу маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган одамларда касбий ривожланишнинг узлуксизлиги, уларда ўз шахсий масъулиятни доимо чуқур ҳис этиб яшашни ҳам таъминлайди, бу эса фаолиятда баркарорлик, изчиллик ва сифат омилларига риоя этишини заруратга айлантиради.

Ҳаракатлар стратегияси одамларни очиқлик, ошкоралик, шаффофлик мұхитида яшаш ва ишлашга даъват этмоқда. Ҳар бир соҳа фаолияти улкан таъсир кучига эга бўлган, фуқаролик жамиятининг ажralmas бир қисми бўлган жамоатчилик назорати остида ривожланиши зарурлигини кун тартибига қўймоқда. Бундай мұхитда инсоннинг давлат, жамият ва ўзи олдида масъулиятни тўла ҳис этиб яшashi, сўзи билан иши бир бўлишига риоя этиш фазилатлари асосий мезон сифатида намоён бўлади. Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистонда ҳукуқий демократик асосдаги халқ давлатини барпо этиш йўлинни ҳар томонлама асослаб берадиган ҳужжат ҳисобланади. Ушбу рисолада Ватанимиз

тақдири ва келажаги учун ана шу улкан аҳамиятга молик ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини, жамият ҳаётида туттган ўрнини батафсил шарҳлаб беришга ҳаракат қилдик. Шунингдек, ҳужжатда учрайдиган, кенг оммага унчалик таниш бўлмаган сўз ва ибораларнинг маъно-мазмунини, аҳамиятини баҳоли қудрат ифодалашга уриндик.

Албатта, бундай кенг кўламли дастурий манба ҳақида бир рисола доирасида батафсил маълумот бериш, унинг барча қирралари, ҳар бир соҳа ва тармоқдаги амалий сармасини тўлиқ таҳлил қилиш – буларнинг барчаси узоқ ва давомли кузатиш ва тадқиқотларни, аналитик материаллар, концептуал хulosаларни талаб этади. Мазкур рисола шу йўлдаги дастлабки тажриба, амалий қадам бўлиб, бу борадаги кузатиш ва изланишларимиз келгусида давом этади. Шунинг учун сиз, азиз ўқувчилар, илмий-маданий жамоатчилигимиз вакилларидан рисола ҳақидаги фикрларингизни кутиб қоламиз. Фикр ва таклифларингиз учун олдиндан миннатдорлик билдирамиз.

## **ХУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ КҮРИНИШИДАГИ ХАЛҚ ДАВЛАТИ ҚУРИЛМОҚДА**

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги дастлабки нутқ ва маъruzalariдаёқ «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», «Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади» деган ғояларни ўртага ташлади. Бу ғоялар мамлакатимиз конституциясида белгилаб қўйилган «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» деган қоидага ҳар томонлама мос бўлиб, унинг мантикий ривожи, амалий натижасини ифода этади. Яъни, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи бўлса, бу ҳокимиятни амалга оширадиган давлат идоралари аввало кимга хизмат қилиши керак? Албатта, биринчи навбатда халққа хизмат қилиши лозим.

Шу нуқтаи назардан қараганда, давлатимиз раҳбарининг юқорида зикр этилган ғоялари ҳам мантикий жиҳатдан тўлиқ конституциявий мазмун ва моҳиятга эга бўлиб, улар Ўзбекистонда барпо этилаётган давлат ва жамият мазмунини янада аниқлаштиради. Яъни, биз барпо этаётган хуқуқий демократик давлатнинг биринчи ўринда туродиган қадрияти адолат, хуқуқ, демократия ва халқ манфаатидир. Чунки халқнинг хоҳиш-иродаси хуқуқ ва қонунларни белгилайди. Халқнинг эркин, тинч, озод ва фаровон

яшаши, шу ғояларни ҳимоя қилиб, мустаҳкамлаб, ўзаро тенглик асосида олдинга интилиши – демократиядир.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда мамлакатимизда мазмунан янги давлат, янги жамият таркиб топаётган экан, унга мос янги қадрият ва муносабатлар тизими шаклланиши ҳам табиийдир. Ҳозирги вақтда қабул қилинаётган қонунлар, фармон ва қарорлар ана шу улкан ўзгаришларга янги туртки ва ўйналиш бермоқда.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга янги иборалар, хусусан, «халқ билан мулоқот», «электрон ҳукумат», «халқ қабулхоналари», «виртуал қабулхона», «Президент портали», «танқидий таҳлил», «қатъий тартиб-интизом», «адолат қўрғони», «адолат ва маънавият», «арzon уйлар», «технопарклар», «ўз болангни ўзинг аср», «парламент назорати», «йўл ҳаритаси», «кафолатланган хавфсизлик», «китобхонлик қўникмаси», «профилактика» ва бошқа сўзлар кириб келди ҳамда ҳаётимизнинг ажralmas қисмига айланниб улгурди.

Биз бугун аждодларимиз минг-минг йиллардан бери орзу қилган, аммо амалга ошира олмаган, адолат, тинчлик, ободлик, фаровонлик каби қадриятлар мужассами бўлган чинакам халқ давлатини барпо этишга киришдик. Биз назарда туваётган давлат юқорида таъкидланганидек, «хуқуқий демократик давлат» тушунчасига тўла ҳамоҳангдир.

Ўзбекистонда 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидан кейин халқ давлатининг мустаҳкам пойdevorini қуриш, демократик имкониятларни кенгайтириш, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг мустақил ҳокимият сифатида фаолият олиб бориши бўйича асосий талабдан

келиб чиқадиган бош тамойил – халққа хизмат қилиш ва унинг олдида ҳисоб бериш масаласи қун тартибига қўйилди. Агар ана шу тамойилга амал қилинмаса, ҳар қандай ҳокимият фақат бюрократик тузилмадан иборат бўлиб қолиши ҳақли равишда таъкидлаб келинмоқда. Ҳақиқатан ҳам, халққа яқинлашиш, унинг ичига кириб, энг долзарб муаммоларини ҳал этиш, элу юрт дарду ташвишлари билан яшаш ҳар қандай ҳокимиятнинг борлигини билдиради. Чунки у шу тариқа ҳокимиятнинг бирдан-бир манбай бўлган халқ томонидан эътироф этилади, қўллаб-қувватланади.

Бугунги кунда Президентимиз томонидан «Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз» деган эзгу ва ҳаётбахш шиор асосида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли ҳар бир кунимиз инсон манфаатларини таъминлаш, фуқаролар ҳақ-хукуқларини кафолатли ҳимоя этиш, одамларни рози, баҳтли, саодатли қилишга қаратилган янги, қудратли ўзгаришлар руҳида кечмоқда. Ўзбекистон жамияти сифат жиҳатидан мутлақо янги даврга қадам қўймоқда.

## ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИННИГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1. Ҳаракатлар стратегияси халқчиллик, инсонпарварлик, бағрикенглик ва эзгулик ғояларига таянади. Ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий жараёнларни баҳолаш ва уларга ёндашишда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигининг устувор аҳамиятга эга экани ҳақидаги назарияга асосланади.

2. Маълумки, дунёда азалдан икки омил кураши, яъни **кучни хурмат қилиш маданияти ҳамда меҳни, яхшиликни хурмат қилиш маданияти ўртасида тортишув** давом этиб келади.

Кучни хурмат қиласидиган маданият назариётчилари «мақсадга эришиш учун ҳар қандай воситадан фойдаланиш мумкин, чунки натижা воситани оқлайди» деган тамойил асосида иш тутса, меҳни хурмат қилиш маданияти тарафдорлари эса **натижага фақат тўғрилик, ҳақ-ҳақиқат ва ҳаққонийлик орқали** эришишни талаб этади. Ўзбекистон тазиик ўтказувчи кучни, зўравонликни эмас, ўзаро ҳурмат, меҳн ва дўстликни хурмат қиласидиган, қадрлайдиган мамлакатdir. Ҳаракатлар стратегиясининг асосий назарий асоси дўстлик, тинчлик ва ҳамкорликни, кўшни давлатлар билан рақобатга киришиш эмас, балки яқин дўст ва ҳамкор бўлиб, умумий муаммоларни биргаликда самарали ҳал этишини ташки сиёсатнинг устувор йўналиши этиб белгиланганида намоён бўлади.

**3.** Тарихни яратувчи куч алоҳида аҳоли қатлами, маълум бир партия ёки атоқли арбоблар, алоҳида шахслар эмас, балки ҳалқ экани Ҳаракатлар стратегияси учун муҳим назарий асос бўлиб хизмат қиласди. Тарих ҳалқ ва унинг фаол, фидоий вакилларининг меҳнати, саъй-ҳаракатлари, уларнинг шу йўлга баҳшида умри натижасида яратилади. Шу боисдан ҳам Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, жадид боболаримиз, Ф.Хўжаев, А.Икромов, Ш.Рашидов, И.Каримов сингари юртимиз мустақиллиги ва равнақи учун курашган тарихий шахслар ҳамда мустақилликни қўлга киритиш ва уни мустаҳкамлаш йўлида ўзини аямасдан меҳнат қилган минглаб заҳматкаш инсонлар, ишлаб чиқариш соҳаси ходимлари, олимлар, ёзувчилар, раҳбарларнинг меҳнатига муносиб ҳурмат ва эъзоз кўрсатилмоқда.

**4.** Ҳаракатлар стратегияси ҳаётга қатъий ишонч ва позитив қараш назариясини ҳам тақозо этади. Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Ричард Вайсман ва бошқалар ўз асарларида келажакка яхшилик назари билан қараш, ҳаётга шукроналик билан ёндашув барқарор ижтимоий тараққиётни таъминлашга хизмат қилишини, одамларнинг баҳтли ҳаётини юзага келтириши, таъминлаши ва кафолатлашини назарий асослаб беришган ва ана шундай дориламон замон келишини орзу қилишган.

**5.** Ҳаракатлар стратегияси мантиқан пухта асосланган хужжат сифатида ҳаётга прагматик ёндашув назариясига таянади. Прагматик ёндашув ижтимоий-иқтисодий жараёнларни аниқ ижтимоий манфаат ва фойдани кўзлаб, оқилона ва натижадорлик тамойиллари негизида бошқаришнинг амалиётга жорий этилишида намоён бўлади.

**6.** Маърифатнинг яратувчанлик кучини ҳар бир соҳа, касб ҳамда шахслар фаолиятида рўёбга чиқариш амалиёти ва назарияси Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларида асосланди ва ҳаётнинг деярли барча жабҳаларига кенг жорий этилмоқда ва бу назария ўзининг реал самарасини бермокда.

**7.** Ижтимоий-иқтисодий жараёнларга превинтив ёндашув назарияси бугунги кунда бошқарув жараёнида реал амал қила бошлади. Бундай ёндашув юз бериши мумкин бўлған хавф-хатарларнинг олдини олишнинг мақбул йўли сифатида тинчликни сақлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, фарзандлар тарбиясида, уларнинг қалби ва онгини турли зарарли таъсирлардан асрарда хушёр ва огоҳ бўлиш соҳаларида профилактик ёндашув сифатида намоён бўлмоқда.

**8.** Барча ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни адолат ва фақат ҳалқ манфаатларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш назарияси Ҳаракатлар стратегиясида илк бор давлатнинг устувор ва давомли, очиқ сиёсати сифатида амал қила бошлади. Адолат тамойили давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида устувор ижтимоий-маънавий асос ва ҳаракатлантирувчи куч сифатида тобора кўпроқ кўзга ташланмоқда.

**9.** Давлат манфаатларига нисбатан ҳалқ ва инсон манфаатларининг устувор экани билан боғлиқ назариянинг «Ҳалқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари иили» давлат дастурининг моҳиятини ифода этадиган «Инсон манфаатлари ҳар нарсадан улуғ» деган ғоя асосида амалда намоён бўлаётгани.

**10.** Давлат ва жамият бошқарувида компромисс эмас, яъни ён босиш балки консенсус, яъни келишиш назария-

сига таянилмокда. Ижтимоий муносабатларда консенсус, яъни ҳамжиҳатлик, яқдиллик назарияси одамларнинг кўтаринки руҳиятини таъминлайдиган ижтимоий-маънавий муҳитни барча оила, маҳалла, корхона ва ташкилотларда шакллантириш талаби сифатида майдонга чиқмокда ва бу талаб кенг кўламли ижтимоий ҳаракатга айланмокда.

**11.** Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш фақат навқирон авлод кучига эмас, балки ўрта ҳамда катта авлод кучи ва салоҳиятига баб-баробар таяниш, авлодлараро яқдилликни таъминлашни тақозо этади. Аҳоли турли қатламлари, хусусан, катта авлод вакиллари ва ёшлар ўртасида маънавият, одоб-ахлоқ, ижтимоий идеаллар талқини, Ватанимиз тақдири ва истиқболи масалаларида ўзаро тушуниш, авлодлараро ворисийлик муносабатларининг амал қилиши назариясига алоҳида эътибор қаратилмокда.

**12.** Ижтимоий жараёнларни ўзаро ҳамкорлик асосида мақсадли оптималлаштириш, яъни синергетик ёндашув назарияси кенг қўлланмокда. Синергетикани ҳамма соҳага нисбатан кенг қўллаш амалиёти йўлга кўйилмокда. Масалан, жамиятда синергетика ўзини ўзи энг мақбул ташкил этиш имконияти сифатида турли муассаса ва соҳалараро ҳамкорлик тарзида ҳам амал қилмоқда.

**13.** Ҳаракатлар стратегиясининг энг муҳим жиҳатларидан бири шуки, ундаги беш асосий устувор йўналишнинг ҳеч бирига алоҳида назар, айрича эҳтиром билан қаралмайди. Аввал иқтисодий жиҳатдан ривожланиб олайлик, ҳуқукий масалаларни кейин кўрамиз, қабилидаги номутаносибликка асло ўрин йўқ бу хужжатда. Ҳар бешта йўналиш ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг тарзда, бир-бирини қўллаб-куватлаган ҳолда ривожланади.

## ЎТМИШДАН ҚОЛГАН АСОРАТЛАР

Маълумки, қарийб 130 йил давом этган истибод даврида ҳалқимизнинг ғурури, шаъни, қадриятлари беаёв паймол этилди, ҳалқимиз тарихий хотирасидан жудо қилиниб, сал бўлмаса, ўзини ўзи танимайдиган ҳолга келтирилди. Одамларнинг киндик қони тўкилган юртига бўлган муҳаббати, садоқати ва эътиқоди таъқиб қилинди. Шу боисдан ҳам эл-улус ўргасидаги аҳиллик, яқдилликка путур етди, меҳр-оқибат, аждодлари ўргасидаги ҳурмат ва давомийлик каби тушунчалар биздан йироқлашди.

Собиқ мустабид тузумда ялпи қўрқув ҳисси кучайтирилди. Қўрқув ҳисси эса она Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, садоқат сингари ззгу қадриятларни, унга эътиқод ва садоқатни заифлаштириди, одамлар ўртасида худбинлик, лоқайдлик ва жаҳолатнинг кучайишига олиб келди. Шунингдек, янгиликка интилиш, бошқалардан ўрганиш ва ўз билганини бошқаларга ўргатиш ҳиссини сусайтириди. Устига-устак, бозор иқтисодиётининг шафқатсиз муҳити ҳам кишилар ўртасида очкўзлик, молпарастлик, моддий тўкинликни ҳар қандай маънавий тушунчалардан устун кўйиш, бойликка қараб муносабатда бўлиш каби иллатлар илдиз отишига олиб келди.

**Ҳаракатлар стратегияси нафақат иқтисодий жабҳаларни тизимли тартибга тушириш, янгилаш ва ривожлантириш, балки турли сиёсий, иқтисодий, ижтимоий омиллар таъсирида жиддий зиён кўрган маънавий**

## **дунёмизни ҳам тубдан янгилаш ва юксалтириши на- зарда тутади.**

Аёнки, XX аср охирида собиқ шўролар тузумининг емирилиши ва унинг ўрнида янги мустакил давлатларнинг дунёга келиши ва ҳар бир давлатнинг ўзига хос анъаналари, турмуш тарзи, сиёсий ва ижтимоий йўналиши илгари тажрибада бўлмаган турли иқтисодий-ижтимоий манзараларни юзага келтирди. Буни Ўзбекистон мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Бозор иқтисодиётининг ўзгарувчан табиати, шунингдек, пухта ўйлаб кўрилмасдан жорий этилган баъзи бир лойиҳалар мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ҳётига жиддий таъсир ўтказди. Айниқса, республиканизмнинг турли вилоят ва туманларидаги саноат корхоналари, маданият, таълим ва хизмат кўрсатиш муассасалари фаолиятида ачинарли ҳолатлар юзага келди. Кўплаб ишлаб чиқариш обьектлари ўз фаолиятини тўхтатди. Минглаб ишчилар, мутахассислар ўз касби, турмуш тарзи, яшаш жойларини ўзгартиришга мажбур бўлди.

**Ҳаракатлар стратегиясида ҳудудларни босқичма-  
босқич ривожлантириш, ҳар бир шаҳар ва туманини  
пухта ўйланган режа ва лойиҳалар асосида барқарор  
тараққий эттириш, фаолият юритмаётган саноат корхоналарига инвестициялар киритиб, уларга қайтадан  
жон бағишлиш, ишсизликни камайтириш, ялпи бандликни таъминлаш ишларини амалга оширишни дол-  
зарб вазифа сифатида белгиланди.**

Республикамизда қишлоқ хўжалигига амалга оширилган ислоҳотлар натижасида аввал колхоз ва совхозлар, кейинчалик эса ширкат хўжаликларининг тугатилиши ва уларнинг ўрнига замонавий фермер хўжаликларининг ташкил этилиши муҳим тарихий воқеа бўлди.

Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизи яшайдиган қишлоқ аҳолиси ҳётида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди, истиқболли фермер хўжаликлари ташкил этилди. Натижада илгари минг киши бажарадиган ишни 50 – 100 киши бемалол бажарадиган бўлди. Атиги 8 – 10 киши бўлиб иш юритадиган фермер хўжаликлари илгари олинадиган ҳосилдан бир неча бор кўпроқ маҳсулот тайёрлай бошлади. Аввал самарасиз фаолият юритиб келган собық ширкат ишчилари эса дехқончилик, якка тартибдаги тадбиркорлик билан банд бўлишга ёки томорқа ерларида меҳнат қилиб, ўз тирикчиликларини ўтказишлари керак эди. Улар учун иш ўринлари яратиш масаласи билан жиддий шуғулланиш керак эди. Афсуски, бу борада амалий иш ўрнига рапортбозлик авж олди. Ижтимоий масалалар вақтида ҳал қилинмади. Натижада меҳнатга яроқли қишлоқ меҳнаткашлари орасидан кўпчилик стихияли тарзда узок ва якин хориж давлатларига иш излаб кетишга мажбур бўлди. Бунинг оқибатида минг-минглаб ватандошларимиз тили, дини, маънавияти ва сиёсати ўзгача бўлган мухит таъсирига, қийин ҳолатларга тушиб қолди.

**Ҳаракатлар стратегияси ана шундай оғир ижтимоий асоратларни бартараф этиш, қишлоқ ҳётини изга тушириш, бандликни таъминлаш, чет элга иш излаб кетган ёшларни қайтариш ва улар учун муносиб ҳёёт ва фаолият тарзини яратиш бўйича аниқ чора-тадбирларни назарда тутиши билан муҳим аҳамият касб этади.**

Очиғини тан олишимиз керак, республикамизда аҳоли ва ижтимоий тармокларни табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш ҳолати ҳам ўта қониқарсиз аҳволга тушиб қолган эди. Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг кирқ фоизи истиқомат қиласидиган йирик шаҳарларгина

табиий газ билан таъминланган, холос. Бироқ, қишлоқ жойларга бу турдаги ёқилғини етказиб бериш жиддий муаммога айланди. Ўтган асрнинг 70-йилларида яратилган электр тармоқлари ҳам йиллар мобайнида эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев сайловолди учрашувларида бу ҳақда алоҳида тўхталиб, «レスpubликамизда электр узатиш тизимининг 65 фоизи эскирди, бу тизимни тубдан ислоҳ этиш ва тамоман янгилаш вақти келди»<sup>1</sup>, деб таъкидлагани албатта бежиз эмас.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласи ҳам жиддий муаммога айлангани ҳақида ҳам бугунги кунда кўп гапирилмоқда. Қишлоқда яшовчи ҳар уч хонадондан иккитасида уч-тўрт оила истиқомат қиласди, уларнинг ҳар бирини уй-жой билан таъминлаш масаласи ўз ечимини топганича йўқ. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари томонидан янгиланган кўринишдаги, намунавий арzon уй-жойлар қуриш дастури ишлаб чиқилди ва изчил амалга оширилмоқда.

**Ҳаракатлар стратегияси аҳолини электр, табиий газ, тоза ичимлик суви каби энг зарур неъматлар билан таъминлашни, шунингдек, арzon уй-жойлар қуришни, одамлар учун муносиб ҳаёт тарзини юзага келтиришни аниқ режалаштириб, уни реал вақт режимида амалга ошириш механизмини ишлаб чиқсанни билан ҳам аҳамиятлиdir. Ҳаракатлар стратегиясининг тўлиқ амалга оширилиши натижасида ҳар бир оила уй-жой, электр энергияси, табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминланади.**

<sup>1</sup> Шавкат Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. 74-бет

Ҳозирги даврдаги жадал тараққиёт тенденциялари мамлакатимизни саноат асосида ривожлантиришда шахс салоҳияти, маънавий-интеллектуал омил ривожига устувор аҳамият қаратишни долзарб масалага айлантириди. Ватанимизнинг барқарор тараққиёти учун мавжуд интеллектуал салоҳиятни самарали ишга солиш, мутахассисларнинг ўз фаолиятига онгли ёндашувини шакллантириш, уларнинг шахсий масъулият ва ташаббускорлик фазилатларини кучайтириш катта аҳамиятга эгадир. Инсоннинг шахсий масъулияти, ташаббускорлик ҳамда фидоийлик фазилатлари эса Ватанни чин дилдан севишдан, ватанпарварликдан куч олади. **Шу боисдан Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг «Ҳар қандай давлат сиёсатининг асосини ватанпарварлик тарбияси ташкил этиди»** деган сўзлари замирида чукур маънолар мужассамдир. Ватанпарварликнинг ҳаракатлантирувчи кучи эса одамларнинг маънавий дунёси, интеллектуал салоҳияти, китоб мутолааси уларнинг ҳаётида қанчалик муҳим ўрин тутиши билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам Президентимиз китоб мутолаасини ривожлантириш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтарди, улуғ аждодларимизнинг эзгу ғоялари, ўғитлари, битиклари асосида таълим ва тарбия соҳасидаги туб ислоҳотларни юксак босқичга олиб чиқиш, юрт келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган янги авлодни вояга етказиш бўйича ишларни изчил давом эттириш лозимлиги доимо уқтириб келинмоқда.

**Ҳаракатлар стратегияси давлат ва жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган ватанпарварлик омилига мустаҳкам таянган ҳолда иш олиб боришга даъват этади. Ватани севиш – ўз ои-**

**ласи, маҳалласи, касби, худуди ва Ўзбекистонни қадрлашда намоён бўлишига алоҳида эътибор қаратади.**

Ҳаракатлар стратегиясига куч бағишловчи яна бир омил – бу инсон капитали. Ҳар бир одамнинг ўзига хос билими, касб салоҳияти, иқтидори, саломатлиги, мақсад ва интилишлари, дунёкараши, маънавий-ахлоқий фазилатлари бўлиб, улар ижтимоий тараққиёт кўлами ва характерини белгилашда фавқулодда муҳим аҳамият касб этади. Инсон ички имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқариш, бир томондан, мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмини кўпайтиришда муҳим роль ўйнаса, иккинчи томондан, шахснинг ҳаётда ўз онгли турмушини ташкил этишда, ўз келажагини Ватан тараққиёти билан боғлашда катта аҳамият касб этади.

**Ҳаракатлар стратегияси нафақат ташқи инвестицион сиёsatни фаоллаштириш, балки инсон ички имкониятларини янада тўлароқ рўёбга чиқариш ишларига алоҳида эътибор қаратади. «Бу сиёsatнинг асосий мақсади шундан иборатки, биз ҳар бир фуқарога ўзининг куч ва имконияти, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариши учун кенг шароит ва имконият яратиб беришимиш зарур», деб таъкидлайди Президентимиз.**

Ватан тараққиётини барқарор таъминловчи яна бир омил – бу одамларнинг ўзаро муносабатлари тизимини янада инсонийлаштиришдир. Инсонийлашган муносабатлар негизида эса барча жабҳаларда тўғриликни, ҳақгўйлик, сидқни мустаҳкам жорий этиш муаммоси мужассамдир. Атоқли муҳаддис Ҳаким Термизий сидқнинг ҳақиқат билан бир нарса эканини таъкидлайди ва «Сидқнинг бошланиши – тўғриликдир», деб айтади, тўғриликнинг

асли эса Ҳақ таолодан бандасига билдирилган ва бе-рилган нарсасида чиройли ихтиёр қилиш эканига эътибор қаратади. (Ҳаким Термизий. «Маърифат-ул-асрор», Т.: «Мовароуннаҳр», 2017 йил, 55-бет.)

**Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистонда аҳил жамият, дўстлик ва муҳаббат муҳитини барпо этишни назарда тутади. Одамлараро ички боғлиқлик, меҳришталари мустаҳкам боғланса, ҳалоллик ва айниқса, ҳар бир ишда тўғриликни бош қадрият деб билиш, уни иймон даражасида эъзозлаш ҳар бир одамнинг эътиқодига, хаёт маслагига айланади.**

## ЯНГИ ДАВР ХУСУСИЯТЛАРИ

1. Тараққиётнинг макроиктисодий кўрсаткичлари ҳозирги кунда микроиктисодий натижалар ҳамда жамиятнинг турмуш тарзида реал намоён бўлмоқда. **Одамларнинг орзулари уларнинг имкониятларига мос бўлмоқда.** Арzon уй-жойлар қуриш, арzon ва қулай тиббий, фармацевтик, ижтимоий хизматлар тизимини шакллантириш худди шу имкониятларни юзага келтирмоқда.

2. Давлат тузилмалари фаолиятининг методологияси ва методикаси тубдан ўзгартирилмоқда. **Одамлар давлатга ўз муаммоларининг ечимини топишда энг ишончли институт деб қарай бошлиши.** Аҳоли турли табақалари вакилларида давлатга бўлган ишонч ва умид ўсади.

3. Одамлар ислоҳотларга, ўзгаришларга ўз розилигини, хайрихоҳлигини, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида фаол иштирокчи бўлишга бўлган иштиёқини яққол ифода этмоқда. Ҳамма ахборот дастурларини кутадиган, Ватанимиз эришган натижаларни бошқа давлатлар билан таққослайдиган, ўзаро сухбатларда «Президентимизга, балли, жуда тўғри қиляпти», «Адолатли иш бўляпти», «Ўзи шундай бўлиши керак эди», «Халқнинг дуосини оляпти» қабилидаги ибораларни тез-тез тилга оладиган бўлишиди.

4. Барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлаш дастурлари реал ресурслар, аниқ омиллар асосига қурилмоқда. **Реал иқтисодиётни таркиб топтириш, пул-молия мунасабатларининг тизимини яратиши, иқтисодий ҳисоботларда қўшиб ёзиш амалиётидан воз кечишига асосланган янгича ёндашув қарор топтирилмоқда.**

5. Бошқарув тизимида инсоний ёндашув устувор талабга айланмоқда. Ҳалқ билан мулоқот тизимли иш бошлади, уйма-уй, хонадонма-хонадон юриб одамларнинг муаммоларини ечиш, ҳамкорлик ва реал кўмак таклиф этиш амалиёти йўлга қўйилди.

6. Соҳаларни ривожлантиришда **биринчи марта маърифат омилига таяниш тенденцияси амал қила бошлади.** Банк маърифати, фермер маърифати, тадбирлар маърифати иборалари таомилга киритилди.

7. Қишлоқни ривожлантириш, уни индустрлаштириш ва ҳар бир ҳудудда хизмат соҳаларини ташкил этиш сиёсати кенг кўламда тизимли равишда амалга оширилмоқда.

8. Одамларда ўз ҳаётини ўзи обод қила олишга бўлган иштиёқ, жамият ва Ватан истиқболига ишонч, ўз иқбалини **Ватан равнақи билан боғлиқ ҳолда кўриш ҳаракати кучайди.**

9. Ижтимоий-иктисодий ва маънавий муаммоларни ўрганиш ва ҳал этишда **аҳоли барча қатламларининг реал иштироки кучайди.** Нуронийларнинг жамоатчилик назорати, томорқа маданиятини юксалтириш, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг уюшмаган ёшлар билан натижадорликка асосланган иш амалиёти **тизими хусусият касб эта бошлади.**

10. Давлат ва жамият манфаатлари йўлида **илгари ўзаро боғланмаган идора ва муассасалар ўртасида ижтимоий ҳамкорлик** муносабатларининг кенг ёйилиши кузатилмоқда. Прокурор ва тадбиркор, фермер ва турли

хизмат соҳалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кучайди. Президентимиз ана шундай ижтимоий ҳамкорликнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлади: «Тадбиркор бой бўлса, давлат бой бўлади. Бунинг учун ишбилиармонларга кенг шароит яратиб беришимиз лозим. Прокурор тадбиркорга кўмакчи бўлиши, у билан ҳамкорликда ишлаши даркор».

11. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида мутлақо янги тизимни ҳаётта жорий этиш амалиётининг зарурати илмий жиҳатдан асосланиб, унинг хуқукий пойдевори белгиланди. Фермернинг ишлаб чиқарувчи, ҳамқайта ишловчи ҳамда ўз маҳсулотларини ўзи сота олувчи мақомида бўлиши, саноат корхоналарининг, хусусан, енгил саноатнинг **хомашёни ишлаб чиқарувчи, қайта ишловчи ва реализация қилувчи мақомида бўлиши** белгиланди.

## ЎЗГАРГАН СИЁСАТ: РЕАЛ ҚАДАМЛАР

Ўзбекистон тараққиётини мазмунан тамомила **янги босқичда** – Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида изчил амалга оширишга киришилди.

Барча соҳалар фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда **ягона давлат сиёсати** юритила бошланди ва бу жараённинг узлуксиз амал қилиши қатъий назоратга олинди.

Давлат тузилмаларини жамиятга хизмат қилдириш бўйича **амалий механизм ишга туширилди**.

Мамлакатни жадал ривожлантиришнинг муҳим омили бўлган чет эл **инвестицияларини жалб қилиш** орқали саноатни тез тараққий эттириш, саноатнинг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улушини кенгайтиришдан иборат **янги иқтисодий сиёсат юритилмоқда**.

Тажрибали, мустақил фикрлаш салоҳияти кенг, теран билимга эга кадрлар фаол сиёсатга қайтарилимоқда.

Юқорида қайд этилганидек, қўшни давлатларга бўлган сиёсатда ракобат эмас, ҳамкорлик йўлидан боришнинг стратегик йўли белгиланди ва самарали амалга оширилмоқда. **Қўшнининг ютуғи – бу бизнинг ютуғимиз** шиори негизида жадал ривожланиш тенденцияси амал қила бошлади.

Уюшмаган ёшлиар учун кафолатланган бандликни таъминлаш, уларни бунёдкорлик ишларига фаол жалб этиш, **ижтимоий фаоллаштириш сиёсати юритилмоқда**.

Аҳолининг ижтимоий-маиший орзулари ва реал иқти-  
садий-молиявий имкониятлари баланси таъминлашга қа-  
ратилган ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, арzon  
фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сифатли  
тиббий хизмат кўрсатиш тизими ва арzon уй-жойлар ку-  
риш дастури жорий этилиб, амалий самара бера бошлади.

Прокуратура ходимларининг барча ишлаб чиқарувчи-  
лар, хусусан, тадбиркорлар билан **Ватан ва жамият ман-  
фаати йўлидаги ҳамкорлиги шакллантирилмоқда**.

Аҳолининг турли табақалари, хусусан, ёшлар ўртасида  
**китобхонлик кўниқмасини шакллантириш**, бу жараён-  
ни ҳар тарафлама рағбатлантириш сиёсати амалга оширил-  
моқда.

Ўзбекистоннинг кам фойдаланиб келинаётган катта им-  
конияти, яъни, сугорилмасдан ҳосил ундириладиган, ўн  
миллион гектардан зиёд лалми ерлардан самарали фойда-  
ланиш масаласи **биринчи бор устувор вазифа сифатида  
қўйилди**.

Мактабгача таълим муассасаларини янада ривожлан-  
тириш дастури қайта ишлаб чиқилмоқда. Барча боғча  
ёшидаги болаларни **боғча тизими маърифатидан баҳра-  
манд этишга** эришиш вазифалари белгиланди.

Мамлакатимиздаги электр ишлаб чиқариш қувватлари  
ва электр узатиш воситаларининг 65 фоизи эскиргани са-  
бабли бу соҳани тубдан янгилаш, мавжуд ускуналарни за-  
монавийларига алмаштириш, янги энергоблоклар ўрнатиш,  
шунингдек, 42 та янги гидроэлектростанция куриш, 37 та-  
сини капитал ремонт қилиш, шамол, куёш ҳамда биогаздан  
электр энергияси олиш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда.

**Нуронийларни ижтимоий фаоллаштириш** бўйича  
давлат дастури қабул қилинди. Уларни жамиятдаги маъ-  
24

навий барқарор мұхитни янада мустаҳкамлашга йўналти-  
риш чора-тадбирлари белгиланди.

**Суд-хуқуқ тизими тубдан ислоҳ этилди.** Одил суд-  
ловга эришиш орқали инсон манфаатларини самарали ҳи-  
моя қилишнинг хуқуқий механизми барпо этилди.

Фармацевтика соҳасини тубдан ислоҳ этишга, 300  
дан ортиқ дори-дармонни арzonлаштиришга эришилди.  
Сифатли фармацевтик маҳсулотлар ишлаб чиқариш дас-  
тури қабул қилинди.

**Илм-фанга эътибор кучайди.** Фанлар академияси-  
нинг макоми тўла тикланди. Диссертация химоялари за-  
монавий ва анъанавий ёндашувлар негизида оптималлаш-  
ди.

**Тадбиркорликни кенг ёйиши**, тадбиркорлар фаолия-  
тига режасиз, муқобил текширишлар орқали ҳалал бериш  
сиёсатига чек қўйилди. Бу борада сўз ва иш бирлиги таъ-  
минланди.

**Одамларни эшитиши бошланди.** Уларнинг зарур мұ-  
аммолари, дарду ташвишларини **ўрганиш тизими яра-  
тилди**. Президентнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал  
қабулхонаси фаолияти жамиятимиз турмуш тарзининг  
ажралмас қисмига айланди.

Банклар фаолияти тубдан ислоҳ этилди. Одамларнинг  
**кредит сўраб банкларга бориши эмас**, банкларнинг хо-  
надонларга бориб **кредит олишларини таклиф этиш-  
дан иборат дунёда андозаси бўлмаган самарали тизим  
ишлай бошлади**.

Мамлакатимизда **эркин индустриал зоналар** ташкил  
етиш ишларининг географияси кенгайди.

Халқимизнинг тинчлиги, кафолатланган хавфсизлиги-  
ни таъминлаш учун ички ишлар вазирлиги тизими ислоҳ

этиди ва профилактика ишларига устувор аҳамият қаратилмоқда.

Мамлакатимизни барқарор ва жадал ривожлантиришида миллати, дини ва тилидан қатъи назар, барча юртдошлиримиз, бутун **халқимизнинг ақл-заковати ва бунёдкорлик салоҳиятига таяниб иш тутиш сиёсатига ўтилди**.

Суғориш тизимини тубдан реконструкция қилиш, янги суғориш иншоотлари, каналлар қурилиши ишларига тизимли тарзда киришиш бўйича янги дастурлар қабул қилинди. Мамлакатимизда 1986 йилдан буён бирорта суғориш тизимини яхшилашга мўлжалланган каналлар қурилмаган, эскилари эса реконструкция қилинмаган.

Кишлоқларда **ичимлик суви таъминоти** тармоклари ни кенгайтириш ва модернизация қилиш дастури ишлаб чиқилди.

Кўмир таннархи қайта кўриб чиқилди ва унинг таннархи пайсайтирилиб, аҳолига **қулай харид қиймати белгиланди** ҳамда унинг сифатини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури қабул қилинди.

Шаҳар ва қишлоқларда **транспорт таъминотини янада яхшилаш** ва ривожлантириш дастури қабул қилинди.

Бозорларни реконструкция ва модернизация қилиш, **савдо тизимини такомиллаштириш** дастури ишлаб чиқилди.

**Қаттиқ майший чиқиндиларни** санитария йўли билан тозалаш ва зарарсизлантириш тизимини янада такомиллаштириш дастури қабул қилинди (биргина Сурхондарёда 2 миллион тонна қаттиқ чиқинди йиғилиб қолган).

**Ҳамкорлик ва дўстликни тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови** деб билиш сиёсати юргизилмоқда.

Мамлакатимиз ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслиги, Ўзбекистон худудида бошқа давлатларнинг ҳарбий база ва обьектлари жойлаштирилишига, шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг юртимиз худудидан ташқарида бўлишига йўл қўймаслик сиёсатига изчил со-диқ қолиш белгиланди.

Ўзбекистондаги ҳар бир фуқаро, қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, **аввало тарбиячи экани**, фарзандларимиз тақдири учун ҳар биримиз масъул эканлигини англаш тобора кучайтирилмоқда. Бу масала замоннинг ўткир талабига айланган долзарб муаммо сифатида кун тартибиға қўйилмоқда.

**Тарбия ишларида интегратив ёндашув**, яъни ҳамкорликда ва манзилли ёндашув қарор топтирилмоқда. Маънавий-маърифий фаолиятда давлат ва жамоат ташкилотлари, аввало Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг куч ва имкониятларини бирлаштириб, тизимили иш олиб бориш зарурлиги устувор вазифа сифатида белгиланди.

Педагогларимиз яхши билади, Президентимиз Қашқадарёда сайловолди учрашувда айтганидек, **тарбия, одобахлоқ соҳасида «амалий намуна» ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади**. Фарзандларимизга аввало ўзимиз ҳамма соҳада – Ватанга, ҳалққа садоқатли бўлишда, илмга, касб-хунарга меҳр қўйишда, ота-она, жамият олдидаги бурчимизни сидқидилдан адо этишда амалий намуна кўрсатишнимиз керак.

Ёшлар билан ишлашнинг тизимли йўлига асос солинмоқда. Ёшлар сиёсати тўғрисидаги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилингани туман ҳокимлари ва ички ишлар бошлиқларининг, маҳалла раисларининг **ёшлар**

**билин ишлаш бўйича ўринбосари штатлари жорий этилгани бу борада катта қадам бўлди.**

**Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури ишлаб чиқилди.**

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури ишлаб чиқилди.

Маҳаллий бюджетларнинг субвенцияга қарамлик даражаси ўта жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Ана шу ҳолатдан қутулишнинг мақбул йўли сифатида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантириш, аҳоли бандлигини барқарор таъминлаш дастурлари қабул қилинди ва ҳаётга жадал жорий этилмоқда.

Туризм соҳасини ривожлантириш, беш йилда хориждан туристлар қабул қилиш даражасини 1,8-2 мартағача ошириш, бу борада хизмат соҳаларини жадал ривожлантириш дастурларининг қабул қилиниши белгиланди.

**Ўқишиш-ўрганиш, доимий изланиш, янгиликка, тараққиёт чўққиларини эгаллашга интилиб яшаш** ва ҳар бир ўзбекистонликнинг бир умрлик ҳамрохи бўлиши, улуғ мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб айтганларидек, «Дунёда икки турли инсон ҳақиқий инсон саналади: бири ўргатувчи, бири ўрганувчи». Ҳар бир ўзбекистонликни ҳақиқий инсон бўлиш баҳтига сазовор этиш мақсади биринчи ўринга кўтарилимоқда.

Аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш тизими барча соҳаларда реал механизм сифатида ишлай бошлади. Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш давлатнинг устувор сиёсатига айланганини кенг тарғиб этиш ишлари амалга оширилимоқда.

**Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник ҳолати ҳамда уларнинг фаолият мазмунини тубдан ислоҳ этиш дастури амалга оширилмоқда.**

**Ёш истеъододларни қўллаб-қувватлаш мақсадида** уларнинг илмий-тадқиқот натижаларини ҳаётга тез татбиқ этиш, олий таълим муассасалари билан илмий муассасалар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантирувчи жамғарма ва инновация марказини тузиш масаласи кун тартибига кўйилди.

Мамлакатимиздаги аксарият олий ўқув юртларида таълим сифати ҳалқаро мезон ва андозаларга ва реал иқтисодиёт талабларига жавоб бермаслигини, битирувчиларни аксарият ҳолларда қайта ўқитишга тўғри келётганини эътиборга олиб, олий таълим соҳасини тубдан такомиллаштириш бўйича Президент қарори ва маҳсус дастур қабул қилинди.

Илмий техник тараққиётимизни белгилаб берадиган аниқ фанлар бўйича **иҳтисослаштирилган мактаблар ташкил** этиш ва уларнинг моддий-техник базасини ҳар томонлама узлуксиз мустаҳкамлаб бориш режалари белгиланди.

Ўзбекистон миллий кутубхонасида мамлакатимиз кутубхона фондининг ягона электрон тармоғини ташкил этиш бошлаб юборилди.

Мамлакатимизда **маънавий мухитни юксалтириш**, маданият, санъат, адабиёт соҳаларини янада тараққий эттириш, ижод аҳлининг меҳнатини рағбатлантиришга, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган маҳсус қарор қабул қилинди.

Тадбиркор ва фермерлар, зиёлилар, раҳбарлар, обрў-эътиборли шахслар, нодавлат ташкилотлар раҳбарла-

ри ва фаолларининг Ўзбекистонни ривожлантиришдағи фидойилигини, барчага ўрнак ва **намуна бўлишини ватанпарварликнинг амалдаги кўриниши сифатида баҳолаш бошланди**.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ишларига устувор аҳамият берилиб, бу борада 384 миллиард сўм маблағ йўналтирилган лойиҳа амалга оширилмоқда.

Қонунлар, қарорлар ва фармонларнинг мазмун-моҳијитини тўғри тушунтириш, ўз вақтида етказиш, ижросини самарали ташкил этиш ҳамда конун талабларига қатъий амал қилишни таъминлаш сиёсати амалга оширилмоқда.

**Барча соҳаларнинг стандарт ва ягона давлат сиёсати асосида фаолият юритишини йўлга кўйиш механизми ишга туширилди.** Ҳозирга қадар дунёдаги 2,5 мингдан ортиқ фаолият стандартларидан атиги 13 фоизигина мамлакатимизда амал қилаётгани, бу борада қилинадиган ишлар кўлами нечоғлиқ катта эканидан далолат беради.

## ЭГАЛИК УЙ ТЎЗФИМАС

Мамлакатимизда барча соҳа ва фаолиятлар мазмунига шиддаткор рух кириб келиб, тизимли моҳијият касб этиб бормоқда. Амалга оширилаётган оқилона ислоҳотлар бошқаларнинг маслаҳати ёки кўмаги билан эмас, балки Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси асосида ҳамда ўз халқимизнинг ақли, мустаҳкам иродаси ва ғайрати билан амалга оширилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев қатъий тартиботлар асосидаги тизимли фаолиятга барқарор тараққиётимизнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида баҳо бердилар ва бу борада қилишимиз зарур бўлган, долзарб вазифалар қаторида бажариб келаётган ҳар бир ишимишни ривожланган дунё амалиётида кенг кўлланиб келинаётган фаолият стандартларига мувофиқлашиш заруратига алоҳида эътибор қаратдилар. Ҳозирги пайтда юқори сифат даражасига эга маҳсулотлар ишлаб чиқариб, жаҳондаги ички ва ташки бозорни бошқараётганлар умумэътироф этилган стандартларга қатъий риоя этиш асосида иш юритишмоқда. Мамлакатимизда эса дунё эътироф этиган 2,5 минг фаолият стандартларидан атиги 13 фоизи қабул қилинган. Бу эса, бажараётган ишларимиз натижаларининг 87 фоизи дунё ўлчамларига жавоб беролмай келганлигини кўрсатар ва табиийки, ватанимизнинг халқаро миқёсдаги имиджи ҳамда нуфузига таъсир этар эди.

Шу боисдан ҳам мавжуд иқтисодий ҳолат мамлакатимизда барча соҳалардаги фаолиятимизни тубдан инвентеризация қилишимиз, ўз ишларимиз натижасига дунё кўзи билан ҳушёр назар ташлашимиз, ҳамма нарсани ўз номи билан атаб ёндашишимизнинг даври келди.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг мазмуни ҳам тубдан ўзгариб бормоқда. Илгари давлат идоралари осто-насидан ҳатлаб ўтиш ёки идора раҳбари қабулига кириш ишни бажаришдан кўра мушкулроқ бўлган бўлса, энди давлат идораларининг раҳбарлари ва масъул ходимлари ҳалқнинг қабулига боришмоқда. Аксарият муаммоларни ўша жойнинг ўзида ўрганиб, мақбул ечимлар қабул қилиб, одамларни рози қилишмоқда.

Илгари давлат идораларида раҳбарлар ўзларининг юкори раҳбарларининг қачон ишдан кетишини кўзлаб, кейин ўzlари ҳам жуфтакни ростлаган бўлсалар, энди раҳбарлар тизимли равишда режадаги ўзларига юклатилган ишларнинг бажарилишига қараб, кунни қорайтириб уйга қайтмоқдалар.

Илгари мамлакатимизда Осиё Таракқиёт банки маблағлари ҳисобидан қишлоқларда қурилиб келинган ахоли имкониятига мос бўлмаган 250 миллион сўмли на-мунавий ҳовли-жойларни сотиб олишга аксарият фуқароларнинг қурби етмай, армон қилиб келишган бўлса, бугун Ўзбекистоннинг ўз имкониятлари асосида қурилаётган 2,5 баробар арzon нархлардаги уй-жойларда минглаб оиласлар миннатдорлик билан кириб истиқомат қилишмоқда.

Президентимиз ҳамма нарсани ҳалқимиз билан бамаслаҳат, одамларнинг дарду ташвишини дикқат билан эшлиши асносида мақбул қарорлар қабул қилиб, ҳаётни

изчил жорий этмоқда. Ҳар хил соҳа ва касб соҳиблари билан тўғридан-тўғри учрашиб, ҳамма раҳбарларга ҳалқни севишини, ҳалқ дардини енгил этувчи масъул шахс қандай бўлишини амалда кўрсатиб, ибрат бўлмоқда.

Шу тариқа мамлакатимизда ҳамма соҳалар иши тизимли равишда мукаммал изга тушириляпти. Ҳаракатлар стратегиясининг олий мақсадларидан бири ҳам мамлакатимизда қолоқ ва номига ишловчи бирорта ҳам корхона, ишлаб чиқариш муассасаси, ташкилот ёки таълим муассасасининг бўлмаслиги, ёмон ишлайдиган раҳбар, ишчи-хизматчи, ходим, талаба ёки ўкувчи бўлмаслигига эришишдан иборатdir.

Бунинг учун эса дунё фаолият стандартларини кенг жорий этиш, инсон омилининг катта имкониятларга таяниш, ички имкониятларимиздан самарали фойдаланиш, ҳар бир одамнинг ўз устида мунтазам ва мутасилен ишлаб, такомиллашиб боришига эришиш талаб этилади.

Пировард натижада миллатимиз менталитети янада яхшиланади. Миллатимизга хос бўлган, бугун дунё ҳалқларининг ҳавасини келтираётган кенг феъллик, меҳмондўстлик, бошқа ҳалқларга ва диний эътиқодларга нисбатан бағрикенглик, очиқкўнгиллик, меҳнатсеварлик фазилатларимиз билан иш тутиш географияси кенгаяди. Шунингдек, миллий-маънавий меросимизни теран ва атрофлича ўрганиш натижасида ёш авлод қалбida ватанпарварлик, ҳар ишда биринчиликни эгаллашга бўлган рағбат, фуқароларимиз ўртасида мустаҳкам ички бирлик, фаол ижтимоий ҳамкорлик, миллий истиқлол ғоясига садоқат ҳамда муқаддас динимизга бўлган эътиқодий ўйналганлик фазилатларимиз янада яққол намоён бўла

боради. Зоро, ҳар қандай миллат табиатидаги феъл-атворнинг позитивлашуви, характеристининг ўз истиқболи ва баҳтли иқболига ишонч даражасининг юксалиши, яъни миллий менталитетининг ички ва ташқи интеграциялашувга бўлган интилишининг кучайиши мамлакатда барқарор ижобий ўзгаришларнинг узлуксиз ривожланиб боришига кенг имконият яратиб бериши шубҳасизdir.

Халқимизда эгалик туйғуси баравж ривожланмоқда. Эндиликда бизнинг мактаб, менинг далам, менинг корхонам, бизнинг ташкилот иборалари оддий мулоқот таъмойилига кирди. Эгалик туйғуси қанча теран бўлса, унга баҳшидалик ҳам шунча кучли намоён бўлади. Фермер ўз даласидан чиқмай, ҳар бир ғўза ниҳолини обдан қўздан кечириб юриши, дарс тугаган бўлса ҳам ўқитувчининг мактабда узоқ қолиб кетиши, раҳбар кабинетида тун ярмидан оғса ҳам чироқ ёниб туриши ҳам, кутубхона ходимларининг китобхонларга мурожаат қилиб, «хурматли китобхонлар, вақт тунги 22.00 дан ошди, кутубхона ёпилади», десалар ҳам, китобхонларнинг кетишга шошилмаслиги фаолиятга баҳшидаликнинг оддий кўринишлари бўлиб қолмоқда.

---

## ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИННИГ ТЎЛА БАЖАРИЛИШИ ҚАНДАЙ НАТИЖАЛАРГА ОЛИБ КЕЛАДИ?

1. Ҳуқукий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этилади, аҳоли турмуш даражаси ва ҳаёт сифати ошади.
2. Мамлакатимизда муваффақиятсиз ва қолоқ ишловчи соҳалар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ёки раҳбар ва ходимлар бўлмайди. Ҳамма ташкилот ва муассасаларда халқаро қабул қилинган стандартлар асосида ҳамда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда ишлаш тарзи тўла куч билан амал қила бошлайди.
3. Тадбиркорлик фаолияти одамлар орзусидаги ишдан реал ҳаёт тарзига, ялпи ижтимоий ҳаракатга айланади.
4. Солиқ тўловчиларнинг умумий микдори ошади, демакки, иш билан банд аҳоли ҳиссаси кескин кўпаяди.
5. Мамлакатимизда саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳажми ошади, давлатнинг экспорт салоҳияти кескин кўтарилади.
6. Давлат халққа тўлақонли хизмат қила бошлайди, бу жараён нодавлат ташкилотлар томонидан жамоатчилик назоратига олинади.
7. Ҳар бир иш, соҳанинг, у банк, фермерлик, тадбиркорлик бўладими, маърифат асосида тўлақонли куч билан ишлай бошлайди. Банк маърифати, фермерлик, тадбиркорлик маърифати сингари иборалар таомилга киради ва

уларнинг ҳолатига жамоатчилик томонидан баҳо бериб борилади.

**8.** Ҳар бир соҳа ўзича эмас, балки ўзаро ҳамжиҳатлиқда давлатнинг устувор тараққиёт йўналишларини ривожлантиришга ҳисса қўшган ҳолда ишлай бошлайди.

**9.** 2021 йилга келиб ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида индустрiali маҳсулотлар, интеллектуал-маданий мулк ва хизматларнинг ҳиссаси кескин ошади.

**10.** Одамларда масъулият, ташаббускорлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат фазилатлари миллий менталитетимизнинг узвий жиҳатига айланади.

**11.** Дунёда андозаси бўлмаган янги демократик, инсонпарвар тузилма – **халқ давлати** шаклланади ва бутун жаҳон мамлакатлари учун ҳалқчил, демократик тартиботлар ўрнатишда намунавий модель сифатида тавсия этилади.

**12.** Бандликни таъминлаш муаммоси умумжамият миқёсида ҳал этилади, боқимандалик кайфиятига қарши жамоатчилик кураши авж олади.

**13.** Иқтисодий ҳолати турли даражада бўлган аҳоли қатламларига мослаб, янги уй-жой қурилиши кенг кўламларда олиб борилади. Уй-жойга эҳтиёжманд оиласларнинг муаммолари ечилади.

**14.** Жамиятда тўғрилик, ҳалоллик, адолатлилик, меҳнатсеварлик, «ҳамма нарсани ўз номи билан аташ» фазилатлари одамларнинг ҳақиқий қадриятларига айланади.

**15.** Ватанпарварлик омили давлат ва жамият миқёсида амалга оширилаётган маънавий сиёsatнинг харакатлантирувчи кучига айланади.

**16.** Миллий маънавий ўзликка эга бўлиш, маданий месросни ўзлаштириш учун кураш ялпи ижтимоий ҳаракатга айланади.

**17.** Жамиятда ёлғончилик, товламачилик социал миқёсда нотипик фактларга айланади. Жамият шундай ижтимоий заарли позицияга эга шахсларни ўз муҳитидан ажратиб қўяди. Демак, биз айрим одамларни самарали тарбиялай олишимиз учун уларни жамият ўзидан узоқлаштириши ҳақида огоҳлантиришимиз ҳам лозим.

**18.** Яхшилик қилиб, маънавий-рухий завқланиш, бунёдкорлик билан шуғулланиш, ҳар куни яхшилик, савоб иш қиласай деб кўчага чиқиш ҳар бир одам учун узвий хусусиятга, ялпи ижтимоий ҳаракатга айланади.

**19.** Лоқайдлик, бефарқлик ҳолатларини жамият томонидан жиддий ижтимоий иллатлар сифатида баҳолаш ва бундай ҳолатларни позитив йўналишларга буриш, ижтимоий дахлдорликни кучайтириш ҳаракати бошланади.

**20.** Ёшларда меҳнатга бўлган кўнукмани тарбиялаш, уларга меҳнат қилиб завқлана олишни ўргатишнинг амалий механизmlари ишлаб чиқилади ва ягона миллий сиёsat сифатида жорий этилади.

**21.** Аҳолининг харид қуввати ошади. Одамларнинг эҳтиёжлари қаторида ижодкорлик, илм-фан, санъат, адабиётга бўлган интилиш кучаяди.

**22.** Одамларнинг тинчлиги, кафолатли хавфсизлигини таъминлаш борасидаги амалий механизм тўла куч билан ишлай бошлайди.

**23.** Бозорларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари мўл-қўллиги таъминланади. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари арzonлашади.

**24.** Миллатнинг характеристи ўзгаради. Одамларнинг ўз-ўзига бўлган баҳоси, бошқа ҳалклар қаторидаги нуфузи ортади, ўз тили, маданияти, анъаналарига садоқати кучаяди.

**25.** Одамларда ўз давлати, миллатига бўлган муҳабати ҳақиқий қадрият сифатида мустаҳкамланади. Ватан учун фидоийлик умуммиллий хусусиятга айланади.

**26.** Диний экстремистик оқимларга берилиш ҳолатларининг олди олинади, давлат қонунлари, жамият қоидалари, ҳақиқий ислом маърифатининг ҳамкорликдаги кучи ўз таъсирини самарали намоён эта бошлади.

## ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармоши билан 2017 йил 14 февралда мамлакатимизда кенг кўламда амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегияси самарадорлигини таъминлаш мақсадида «Тараққиёт стратегияси» маркази ташкил этилди. Ушбу марказ ноҳукумат ва нотижорат ташкилот бўлиб, унинг фаолияти доирасига қўйидаги йўналиш ва вазифалар киради:

– Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиш жараёнларини уларнинг бажарилиши бўйича масъул комиссия билан ҳамкорликда қўллаб-қувватлаш;

– Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган ишлар бўйича халқаро ташкилот ва эксперталар фикрларини баҳолаш, шунингдек, халқаро тажрибалар, жаҳон стандартларини ўрганиб бориш;

– амалга оширилаётган тадбирларнинг кенг жамоатчилик ва эксперталар иштироқидаги муҳокамасини ташкил этиш;

– Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган тадбирларни самарали амалга ошириш бўйича асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши.

«Тараққиёт стратегияси» марказининг энг муҳим вазифаларидан бири Ҳаракатлар стратегисида белгиланган энг муҳим чора-тадбирларнинг бажарилишини тизимли мониторинг қилиб бориш ҳамда ҳар бир йўналиш бў-

йича гурӯҳларга асосланган тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат.

Марказ 2017 йил 23 февраль куни Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтди ва унинг тақдимот маросими 2017 йил 1 март куни «Зарафшон» концерт зали негизида ташкил этилган янги медиа майдонда бўлиб ўтди.

Ҳаракатлар стратегияси ва «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини кенг ёритиш ва табдирлар бўйича мунтазам равишда жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш мақсадида Марказ томонидан Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва бошқа етакчи ОАВ ҳамда Халқаро пресс-клуб билан ўзаро ҳамкорлик битимлари имзоланди.

2017 йилнинг март-июнь ойларида Марказ қошида ташкил этилган маҳсус медиа майдонда ўттиздан ортиқ брифинг, пресс-конференция ва ток-шоулар ташкил этилди.

Давлат дастури ижроси доирасида ишлаб чиқиладиган барча қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Марказ қошида дастлабки экспертлик муҳокамасидан ўтказилиши амалиёти жорий этилмоқда. Жумладан, Марказда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси ва эксперtlар иштирокида «Жамоатчилик назорати тўғрисида» ва «Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаларининг кенг муҳокамаси ўтказилди. Ташқи ишлар вазирлиги ва Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуqlари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан тақдим этилган қонунлар лойиҳалари бўйича муҳокамаларда Марказ вакиллари иштирок этишди.

Шу билан бирга, Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирларнинг амалга оширилишида Марказнинг имкониятларидан тўлиқ, самарали ва тизимли фойдаланиш механизmlарини жорий қилиш, жумладан, юқори малакали мутахассислар билан таҳлилий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш мақсадида Марказ ҳузурида Доимий фаолият юритувчи ишчи майдон ташкил этилди ва Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ахборот-кутубхона фондига ва етакчи хорижий лицензияга эга ахборот-кутубхона ресурслари фондларига электрон уланган тизимдан фойдаланиш йўлга кўйилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ЯНАДА  
РИВОЖЛАНТИРИШ БҮЙИЧА ҲАРАКАТЛАР  
СТРАТЕГИЯСИ ТҮҒРИСИДА

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқук-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқук ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик мухитини таъминлаш учун муҳим пойdevor бўлди, ҳалқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан мутлақо воз кечилиб, бозор ислоҳотлари босқичма-босқич амалга оширилгани ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани макроиктисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогноз кўрсаткичлари даражасида сақлаб қолишни таъминлади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги қунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида:

1. Аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳукуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек, кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган ҳамда қўйидагиларни назарда туладиган **2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси** (кейинги ўринларда – Ҳаракатлар стратегияси) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан:

давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳукуқий асосларини ривожлантириш, «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизmlарини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш;

конун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқук тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиётининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик

ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳукуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш;

иктисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иктисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иктисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иктисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳукуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иктисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иктисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш;

ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиғини сақлаш тизими ни такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арzon уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёsatини такомиллаштириш;

хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағри-кенгликтен таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий рухдаги ташки сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик мұхитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш.

## 2. Қуйидагилар:

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия 2-и л о в а га мувофиқ;

Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар 3 – 7-иловаларга мувофиқ тузилсан.

## 3. Белгилаб кўйилсинки:

Ҳаракатлар стратегиясини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш барча давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг бирламчи вазифаси ва бош устувор йўналиши ҳисобланади;

Ҳаракатлар стратегияси беш босқичда, юртимизда йилларга бериладиган номлардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишини назарда тутган ҳолда амалга оширилади.

4. 2017 йил Ўзбекистон Республикасида «Халқ билан мuloқot ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилингани маълумот учун қабул қилинсан.

**2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мuloқot**

**ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури** (кейинги ўринларда – Давлат дастури) 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар зиммасига Давлат дастурига киритилган тадбирлар тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш, шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясини 2018 – 2021 йилларда амалга ошириш бўйича тегишли йиллик давлат дастурлари лойиҳаларини тайёрлаш вазифаси юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар билан биргаликда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимиюти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича фаолияти мувофиқлаштириб борилишини, шунингдек, унинг жойларда ижро этилиши устидан тизимли назоратни таъминласин.

Белгилаб кўйилсинки, Давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги умумлаштирилган ахборот Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар томонидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига тақдим этиб борилади.

6. Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун масъул давлат органлари ва ташкилотлар қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратсин:

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, ахоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги, самарали механизм ва усулларини жорий этиш, мансабдор шахсларнинг ахоли олдида ҳисбот бериши тизимини амалда татбиқ этиш, шу асосда халқнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлашга;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиша бюрократик тўсиқ ва ғовлар яратилишига, ахоли билан мулоқот жараёнини кампаниябозликка айланнишига йўл қўймасликка;

Давлат дастури доирасида ўтказилаётган тадбирларнинг очиқлиги, уларда фуқаролар, барча даражадаги давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нуронийлар, хотин-қизлар, ёшлар, ижодий ва илмий муассасалар вакилларининг кенг иштирок этишига.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат дастурида назарда тутилган норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилиши, келишилиши ва киритилиши устидан мониторинг қилиш ҳамда унинг натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Вазирлар Маҳкамасига ҳар чорақда ахборот бериб боришни тъминласин.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда, шунингдек, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари-

ни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда:

мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет тармоғида кенг шарҳлаб борилишини, унинг демократик ислоҳотларни чукурлаштиришга, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга, шунингдек, инсон ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни тъминлаш, ахоли фаровонлигини ошириш, фуқароларнинг ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини ҳал этиш, жамиятда қонун устуворлиги, қонунийлик ва адолат, мамлакатимизда тинчлик осойишталиқ, миллатлараро ва фуқаролараро тутувлини қарор топтириш мақсадида давлат органларининг ахоли билан очиқ, тўғридан-тўғри мулоқотини кучайтиришга йўналтирилганини жамоатчиликка тушунтирилишини;

Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг бориши ва натижалари тўғрисидаги холис, тўлиқ маълумот ахолига тезлик билан етказилишини тъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссияларга ривожланган хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тараққиёт тажрибасини, зарур бўлганда, халқаро, хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари вакилларини жалб қилган ҳолда, ўрганишда қўмаклашсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш  
Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов  
ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат  
маслаҳатчилари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2017 йил 7 февраль  
ПФ-4947-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил  
7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонига  
1-ИЛОВА

**2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини  
ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши  
бўйича**

### **ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ**

## **I. Давлат ва жамият қурилиши тизимини тacomиллаштиришнинг устувор йўналишлари**

### **1.1. Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш:**

давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш;

қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-хуқук ислоҳотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш;

сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат мухитини шакллантириш.

### **1.2. Давлат бошқарувини ислоҳ қилиш:**

давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш, давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш ҳамда иқтисодиётни тартибга солишда давлат иштирокини босқич-ма-босқич қисқартириш орқали давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш;

мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манбаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манбаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шаклларини жорий этиш;

«Электрон ҳукумат» тизимини тacomиллаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг самараси, сифатини юксалтириш ва бу хизматдан аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланиш имкониятини ошириш.

### **1.3. Жамоатчилик бошқарувини тизимини тacomиллаштириш:**

халқ билан мулоқотнинг самарали механизмларини жорий этиш;

жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шаклларини ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш;

фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш;

маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш;

оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистларнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш.

Қоралпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши бўйича Халқ қабулхоналари ташкил этилиб, барчасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига уланиши таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг жойларда ишларнинг ҳолатини ўрганиш ва халқ билан мулоқот қилишга доир фаолияти тубдан такомиллаштирилди. Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирларига қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди.

Республика истисодиёт тармоқларини бошқаришда давлат иштирокини босқичма-босқич камайтириш максадида Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулки обьектларни самарали бошқаришни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғриси»ги қарори қабул қилинди.

Давлат бошқаруви ва ижро органларида кадрлар ҳисобини юритиш тизими такомиллаштирилди.

Лицензия олиш учун онлайн ариза юбориш, аризани кўриб чиқиши ҳолатини кузатиб бориш, лицензияловчи орган ва эксперт комиссиялари ишини автоматлаштириш, лицензиялар реестридан онлайн фойдаланиш имкониятларини берувчи Электрон лицензиялаш портали яратилди ва ишга туширилди.

«Ягона дарча» марказлари фаолиятини автоматлаштириш ахборот тизими яратилди ва Интернет тармоғида [birdarcha.uz](http://birdarcha.uz) манзилида жорий қилинди. Тизим орқали тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказиш 8 та жараёндан

2 тага ва сарфланадиган вақт 2–7 кундан 30 дақиқага, тақдим этиладиган ҳужжатлар сони 6 тадан 2 тага қисқартирилди. Шунингдек, йифимлар қиймати ҳисобини юритиш бўйича билдинг тизими яратилиб ишга туширилди.

Импорт-экспорт операциялари бўйича бериладиган сертификат ва рухсатнома ҳужжатларини унификациялаштирилган божхона ахборот тизими орқали тақдим этиш амалиётга жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Битимларни нотариал тасдиқлаш тартибини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

## **II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари**

### **2.1. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш:**

судьялар ва суд аппарати ходимларининг мавқенини, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш, судларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишга йўл кўймаслик бўйича таъсиран чоралар кўриш;

суднинг мустақиллиги ва беғаразлиги, суд процессида томонларнинг тортишуви ва тенг хуқуқлик тамойилларини ҳар томонлама татбиқ этиш;

«Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш;

судларни янада ихтисослаштириш, суд аппаратини мустаҳкамлаш;

судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

### **2.2. Фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш:**

фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқиша сансалорлик, расмиятчи-

лик ва лоқайд муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек, бузилган хуқуқларни тиклашнинг барча зарур чораларини кўриш;

суд, хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолиятида фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш;

фуқароларнинг хусусий мулкка бўлган хуқуқларини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлаш;

фуқароларнинг одил судловга тўсқинликсиз эришишини таъминлаш;

суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатлари ижроси самарадорлигини ошириш.

### **2.3. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш:**

жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш;

одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик суд иш юритувининг процессуал асосларини такомиллаштириш;

жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишларини кўриб чиқиша тартибини такомиллаштириш, бир-бирини такрорлайдиган ваколат ва инстанцияларни қисқартириш;

электрон тартибда суд ва ижро ишини юритишнинг замонавий шакл ва усусларини жорий этиш.

## **2.4. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш:**

жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш;

диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни қучайтириш;

коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизmlарини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш;

аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш.

## **2.5. Суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш:**

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ишини самарали режалаштириш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш, тизимли ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда уларга имконият яратадиган сабаб ва шароитларни бартараф этиш;

суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимларини ўқитиши, танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ротация қилиш тизимини такомиллаштириш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимлари орасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, про-

филактика қилиш ва бартараф этиш бўйича идоравий назоратнинг замонавий механизмларини жорий этиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизmlари самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш.

## **2.6. Юридик ёрдам ва хизмат қўрсатиш тизимини такомиллаштириш:**

давлат органларининг юридик хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш;

адвокатура институтини ривожлантириш, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларини қўриб чиқиша адвокатларнинг ролини ошириш;

нотариат ва фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органлари тизимини ислоҳ қилиш.

\* \* \*

Судья лавозимида бўлишнинг ilk мартаба беш йиллик, кейин ўн йиллик муддатини ва шундан сўнг муддатсиз даврини белгилашни назарда тутувчи «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси негизида суд ҳокимияти органи сифатида Судьялар олий кенгашини ташкил қилиш, кенгаш таркибининг камидаги ярмини судьялар ҳисобидан шакллантириш ва унга тагишли ваколатларни бериш юза-

сидан «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги, «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процесуал ва Хўжалик процесуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самрадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш Департаменти ишини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш орқали тарбиявий таъсир кўрсатиш чораларини кенгайтиришга қаратилган «Мажбурий жамоат ишлари» жиной жазоси амалиётга киритилди.

Терговнинг тўлиқ эмаслигини суд муҳокамаси жараёнида тўлдириш механизmlарини жорий этиш орқали суд томонидан жиноят ишини қўшимча тергов юритишга қайташиб институти бекор қилинди.

Хукукий тизим ва хукукий тарбия тизимини такомиллаштириш ва кучайтириш механизмини ўз ичига олган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиши назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари ҳамда ахолининг хукукий онги ва хукукий маданиятини юксалтириш, уларга қабул қилинган янги қонун

хужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида маҳаллаларда ҳар ҳафтада «Хукуқий билимлар» ўқув-машғулоти жорий этилиб, доимий равища үтказиб борилмокда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш самардорлигини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

### **III. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари**

#### **3.1. Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш:**

макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлардо муносабатларни такомиллаштириш;

солиқ юкини камайтириш ва солиқقا тортиш тизими ни соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рафбатлантирувчи чораларни кенгайтириш;

илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, шунингдек, валютани тартибга солища замонавий бозор механизmlарини босқич-ма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш;

банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш;

суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш, шунингдек, капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва ахолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш;

халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташки қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш.

#### **3.2. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш:**

миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушкини кўпайтириш;

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транс-

порт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойихаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш;

юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори күшімча қийматлы тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичта үтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш;

иктисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш;

принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини үзлаштириш, шу асосда ички ва ташки бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;

ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда, энг аввало, истеммол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш;

иктисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иктиносидиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш;

фаолият кўрсатаётган эркин иктиносий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш;

хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг

ўрни ва улушкини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш;

туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иктиносидиётда унинг роли ва улушкини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш;

экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иктиносидиёт тармоқлари ва худудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш;

йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иктиносидиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимиға ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

### **3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш:**

таркибий ўзгартиришларни чукурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш;

пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш;

фермер хўжаликлари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, саклаш, сотиш, қурилиш ишлари ва

хизматлар кўрсатиш билан шуғулданаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини куриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиб ва сотишиб, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган кишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш;

касаллик ва зарапкунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини ҳамда юқори маҳсулдорликка эга ҳайвонот зотларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш;

глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи куришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш.

### **3.4. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада қучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш:**

хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожи йўлидаги барча тўсик ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, «Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади» деган тамойилни амалга ошириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик мухитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш;

давлат мулкини хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

инвестиция мухитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш;

корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш;

тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик тармоқларига уланиши бўйича тартиб-таомил ва механизмларни такомиллаштириш ва соддалаштириш;

мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш.

### **3.5. Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптималь фойдаланиш:**

ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир худуднинг табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишини таъминлаш;

худудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига миңтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш;

янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг

кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш;

саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш;

саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш обьектларини жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида худудларнинг ишлаб чиқариш, муҳандис-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш.

\* \* \*

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини қисқартиришни ташкиллаштириш мақсадида 25 та вазирлик ва хўжалик бирлашмалари таркибидағи 316 та йирик корхона бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб амалга оширилмоқда.

Маҳсулотларни маҳаллийлаштириш борасида умумий қиймати 3,0 трлн. сўм ва импорт ўрнини босишдаги сумараси 857,4 млн. долларга тенг бўлган 57 та маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш ишлари бошлаб юборилган.

«Talgo-250» русумидаги 2 та юқори тезликдаги йўловчи поездини сотиб олиш лойиҳаси доирасида 1-электропоезд 2017 йил март ойида етказиб келиниб, йўналишга кўйилган, 2-электропоезд 2017 йил апрель ойида Тошкентга етказиб келинди.

Хозиргача Қарақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятининг 7 та туманлари тўлиқ субвенциядан чиқарилди. Жорий йил якуни билан республиканинг яна 15 та туманини субвенциядан чиқариш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Халқаро молия институтларининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган 350 млн. АҚШ доллардан зиёд маблағларини мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва бошқа тармоқлардаги лойиҳаларга жалб қилиш ишлари ҳам бошлаб юборилган. Улар юзасидан жорий йилнинг февраль-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 та қарори қабул қилинди.

Тадбиркорларга қўшимча қулийликлар яратиш мақсадида бошланғич устав фондига 100 миллиард сўм бўлган Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кафолатлаш фондига ташкил этилди.

## IV. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

### 4.1. Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш:

аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оиласалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш;

бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция суръатларидан юқори миқдорда изчил ошириш;

янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта маҳсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш;

меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, иш кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш.

### 4.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш:

аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий

ҳимоясини ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;

аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилинч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш;

оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни мухофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимими камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш;

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-хунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш;

пенсионерлар, ногирон, ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш;

фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арzon, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархларининг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умрузайишини таъминлаш.

#### **4.3. Арzon уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш:**

аҳоли, энг аввало, ёш оиласлар, эскирган уйларда яшаб келаётган фуқаролар ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтоҷ бошқа фуқароларнинг яшаш шароитини имтиёзли шартларда ипотека кредитлари ажратиш ҳамда шаҳар ва қишлоқ жойларда арzon уйлар қуриш орқали янада яхшилаш;

аҳолининг коммунал-маиший хизматлар билан таъминланиш даражасини ошириш, энг аввало, янги ичимлик суви тармоқларини қуриш, тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш орқали қишлоқ жойларда аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминлашни тубдан яхшилаш;

одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, майший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини қуриш ва модернизация қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолини чиқиндини йўқ қилиш бўйича замонавий обьектлар билан таъминлаш;

аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш ва атроф-муҳитга заарали моддалар чиқишини камайтириш, ҳар томонлама қулай янги автобусларни сотиб олиш, автовокзал ва автостанцияларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш;

йўл инфратузилмаси қурилиши ва реконструкция қилинишини давом эттириш, энг аввало, минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш, хўжаликларо қишлоқ автомобиль йўлларини, аҳоли пункти кўчаларини капитал ва жорий таъмирлаш;

янги электр энергия ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш, паст кучланишли электр тармоқлари ва трансформатор пунктларини янгилаш асосида аҳолини электр энергияси ҳамда бошқа ёқилғи-энергия ресурслари билан таъминлашни яхшилаш, шунингдек, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

театр ва томоша масканларини, маданий-маърифий ташкилотлар ва музейлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

#### **4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш:**

узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш;

таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лабо-

ратория асбоблари, компьютер техникиси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни кўриш;

мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш;

умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш;

болаларни спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга, уларни мусиқа ҳамда санъат дунёсига жалб қилиш мақсадида янги болалар спорти объектларини, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш;

касб-хунар коллежлари ўқувчиларини бозор иктисолидёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш;

таълим ва ўқитиши сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш;

илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўкув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтинослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш.

#### **4.5. Ёшларга оид давлат сиёсатини таомиллаштириш:**

жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содик, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараённанда уларнинг ижтимоий фаолигини ошириш;

ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш;

ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини кўллаб-куватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш;

ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оиласалар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маший шароитларни яратиш;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш.

\* \* \*

Таълим жараёнларини оқилона ташкил этишга қаратилган туб ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Мамлакатимизда 11 йиллик мажбурий таълим тизимини жорий этишга киришилди. Олий таълим муассасаларига қабул квотаси салкам 20 фоизга кўпайтирилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда қўшимча даромад манбаини яратиш мақсадида тижорат банклари томонидан фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиштириш, қорамол, қўй, куён боқиши ва гўшт этиштириш, паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш, шунингдек, уруғ ва кўчатлар учун микрокредитлар ажратиш ҳажмини янада ошириш мақсадида банклар ва ҳудудлар бўйича жорий йилнинг 25 май ҳолатига кўра, 281 458 та ҳолатда мазкур мақсадлар учун 1,9 триллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиб, 285 400 та иш ўринлари яратилди.

Тижорат банклари томонидан 2017 йилнинг 25 май ҳолатига кўра, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 1,2 триллион сўм кредит маблағлари ажратилди.

Тижорат банклари томонидан 2017 йилнинг 25 май ҳолатига кўра, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб қилиш мақсадида 844 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида чекланган нархларда сотилиши белгиланган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатига киритилган 116 турдаги маҳаллий дори воситалари нархлари 2017 йилдаги сотув 2016 йилдагига нисбатан 8 – 44 фоиз, импорт йўли билан келтириладиган дори воситалари нархлари эса 5 – 99 фоизга арzonлашди.

## **V. Хавфизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар**

### **5.1. Хавфизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар:**

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш; ахборот хавфизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш; ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вактида ва муносиб қаршилик кўрсатиш;

фуқаролик, миллатлараро ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш;

давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг жанговар қурдати ва салоҳиятини ошириш;

атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш;

фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш.

### **5.2. Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар:**

давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг ҳалқаро муносабатларнинг тенг

хуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфизлик, барқарорлик ва аҳил кўшничилик муҳитини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот етказиши;

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг норматив-хуқуқий базасини ҳамда ҳалқаро ҳамкорликнинг шартномавий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш;

давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш масалаларини ҳал этиши.

\* \* \*

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кўриклаш ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та қарори қабул қилинди.

Диний экстремизм ва миссионерлик фаолиятига қарши қурашиш, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Ўзбекистоннинг хорижий шериклар билан 2017 йилдаги сийсий-дипломатик соҳадаги ҳамкорлигини ривожлантиришга, шунингдек, 39 мамлакат билан 2017 йилдаги савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик ва молиявий-техник ҳамкорлигини тубдан ривожланиши ва кенгайишини таъминлашга доир «Йўл ҳариталари» ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллаташлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Кўриниб турибдики, Ҳаракатлар стратегиясидаги беш устувор йўналиш: давлат қурилиши, суд-хукуқ тизими ни такомиллаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш бўйича энг долзарб вазифалар аниқ-таниқ белгилаб берилган. Айтиш мумкинки, мазкур фармон илгари ҳеч учрамаган, мазмун-моҳиятан янги ва бемисл аҳамиятга эга бўлган хужжатдир.

Дарҳақиқат, истиқлоннинг ilk тонгидан бўён мамлакатимиз 26 йиллик олис масофани босиб ўтди. Бу давр ичida янги ўзбек давлати шаклланди, бемисл мاشаққат ва муаммоларни енгигб ўтиб, ўсиб-улғайди. Ижтимоий-иктисодий ҳаётда улкан ислоҳотлар амалга оширилди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси ҳар жиҳатдан дунёга танилди, ҳатто иқтисодиёти жадал ривожланаётган дунёдаги бешта давлат қаторига кирди. Ўз кўлами ва нуфузи жиҳатидан жаҳондаги саноат объектлари қаторига кирадиган йирик корхоналаримиз мавжуд. Жумладан, Устюорт ва Шўртан газ-кимё комплекслари, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Кўнғирот сода заводи, Дехқонбод калийли ўғитлар заводи, Андижон, Самарқанд, Тошкент ва Хоразм вилоятларидаги автомобиль заводлари фикримизнинг ёрқин исботидир. Тезкор суръатларда бунёд этилган замонавий йўл-транспорт ва мұхандислик-коммуникация инфратузилмаси билан ҳам ҳар қанча фахрлансак арзиди. Жумладан, Қамчиқ довонидан ўтадиган, ноёб тоғ туннелини ўз ичига олган Ангрен – Поп темир

йўл тармоғи, Тошгузар – Бойсун – Кумкўрғон янги темир йўл тармоғи қурилди. Бундай бунёдкорликлар натижасида қўшни республикаларнинг қош-ковоғига қарашдан қутулиб, мустақил темир йўл тизимимизга эга бўлдик. Шунингдек, ҳалқаро аэропортлар модернизация қилинди, Навоий аэропорти негизида ҳалқаро логистика маркази ташкил қилинди ва Ўзбекистон миллий автомагистралি барпо этилди. Спорт соҳасида ҳам мақтанишга арзигулик ютуқларимиз кўп. Кўп узоқка бормасдан, сўнгги ҳалқаро олимпиада мусобақаларида спортчиларимиз қўлга киригтан олтин медаллар шодасини, нуфузли совринларни эслаб ўтишимиз кифоя.

## **ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ АСАРЛАРИДАН ИҚТИБОСЛАР:**

**Биз юртимизда янги давлат, янги жамият қуриш йўлида қандай иш қилсак, уларнинг барчасини халқимиз билан бамаслачат қиласмиз** (Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т. «Ўзбекистон», 17-бет).

**«Бу дунёда инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одамийликнинг энг олий мезонидир»** (Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т. «Ўзбекистон», 18-бет).

**«Глобаллашув шароитида ракобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янги ёндошув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиши ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда»** (Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. «Ўзбекистон овози», 2017 йил, 9 февраль).

**«Барчамизга яхши маълумки, ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириши борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади»** (2017 йил 14 январь).

**«Бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди»** (2017 йил 21 январь).

бат ва садоқат руҳида тарбиялаш, Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди» (2017 йил 21 январь).

«Прокуратура органлари кундалик ҳаётимизда қонун устуворлигини таъминлаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолини ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилиши зарур» (2017 йил 21 январь).

«Биз бундан бўён ҳам узоқ-яқиндаги барча хорижий мамлакатлар жаҳон ҳамжамияти билан самарали ҳамкорлигимизни давом эттирамиз. Бу борада очиқ, дўстона ва прагматик сиёsat олиб бориш тамойилига содик қоламиз» (2016 йил 7 декабрь).

«Хозирги вактда давлат ҳокимиияти идораларида кўп ҳолларда кадрлар салоҳиятидан фойдаланиш, уларнинг вазифа ва ваколатлари тақсимоти оқилона ва самарали йўлга қўйилмаганлиги сезилмоқда. Энг ёмони бу ҳолат ишимизга халал бермоқда. Бир идорани қарасангиз юзлаб одам нимага ишлаб турибди, бошқа бир идорани қарасангиз иш кўп, вазифа кўп, ишлайдиган одам – кадр етишмайди» (Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т. «Ўзбекистон», 25-26-бетлар).

«Бизнинг вазифамиз – тўпланган тажриба ва илғор ҳалқаро амалиётга суюнган ҳолда, ўзимизнинг тараққиёт ва янгиланиш моделини қатъий амалга оширишдан иборат» (Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т. «Ўзбекистон», 20-бет).

«Хозирги мураккаб замон, тинч осойишта ҳаётимизни асраш ва мустаҳкамлаш, ҳалқимизни кафолатланган

хавфсизлигини таъминлаш масаласини янада долзарб қилиб қўймоқда» (2016 йил 7 декабрь).

«Давлат, хукумат институтини ислоҳ этиш, давлат хизматларини моддий ва ижтимоий таъминоти, уларнинг касбий тайёргарлигини тубдан такомиллаштириш, бу соҳага янгича фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, ватанпарвар кадрларни жалб этиш бўйича самарали тизим яратилади» (2016 йил 7 декабрь).

«20 йил аввал қабул қилинган ҳукуқий маданиятни юксалтириш бўйича миллий дастурни янгидан ишлаб чиқиши даврнинг ўзи тақозоэтмоқда» (2016 йил 7 декабрь).

«Охирги 3 йилда давлат органларининг 157 таси ўз қучини йўқотган қонунлар асосида фаолият юритмоқда» (2016 йил 7 декабрь).

«Мамлакатимиздаги электр энергияси ишлаб чиқаридиган қувватларнинг 65 фоизи эскирган» (2016 йил, 4 ноябрь).

«Сизларнинг эътиборингизни яна бир муҳим масалага қаратмоқчиман. Бу ҳалқимизнинг тинчлиги кафолатланган хавфсизлигини таъминлаш масаласидир» (2016 йил 11 ноябрь).

«Субвенцияга қарамликдан қутулишнинг йўли битта. У ҳам бўлса, ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантириб, бюджет даромадларини асоси ҳисобланган солиқ тушумларини кўпайтиришдан иборатdir» (2016 йил 18 ноябрь).

**«Буюк мутафаккир Юсуф Ҳожиб айтганларидек, «Дунёда икки турли инсон ҳақиқий инсон саналади: Бири – ўргатувчи, бири – ўрганувчи.» Мен сизларнинг ҳар бирингизга ана шундай ҳақиқий инсон бўлиш баҳти насиб этишини тилайман»** (2016 йил 22 ноябрь).

«Бизнинг бош вазифамиз – тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш учун энг қулай шарт-шароитлар яратиши таъминлашдир. Бизнес билан шуғулланаётган ҳар кишида давлат томонидан кўллаб-қувватланишига астойдил ишонч бўлиши шарт. Одамлар бизнес билан шуғулланишдан манфаатдор бўлиши зарур. Тадбиркор ва ҳалқ бой бўлса – мамлакат ҳам бой бўлади» (Тошкент шаҳри, 2016 йил 24 ноябрь).

«Амир Темур бобомизнинг «Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!» деган чуқур маъноли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётий эътиқодга айланиши зарур» (Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз; Т. «Ўзбекистон», 2017 йил, 10-бет).

«Ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг 32 фоизи ёки 10 миллиони 30 ёшгача бўлган ёшларни ташкил этади» (ўша манба; 13-бет).

«Банклар энди ҳалқимизни тадбиркорликка, ишбилармонликка ўргатиши ва шунга етаклаши лозим бўлади» (ўша манба; 23-бет).

«Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган – шу ҳалқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам – шу ҳалқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу ҳалқ» (ўша манба; 17-бет).

«Бу сиёсатнинг асосий мақсади шундан иборатки, биз ҳар бир фуқаро ўзининг куч ва имконияти, қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариши учун кенг шароит ва имконият яратиб беришимиз керак» (Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз, Т.: «Ўзбекистон», 2017 йил, 23-бет).

«Бу муҳим ишда биз ёши улуғ, улкан ҳаётий тажрибага эга, нуроний оқсоқолларимиз, катта авлод вакилла-

римизнинг маслаҳатлари ва фаол қўмагига умид қиламиз ва таяномиз. Айнан ана шундай табаррук инсонларнинг ватанимизга бўлган буюк меҳр-муҳаббати ва жонкуярлиги туфайли мустақил Ўзбекистон давлатининг мустаҳкам замини яратилди» (*Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз*. Т.: «Ўзбекистон», 2017 йил, 11-12-бет).

«Иқтидорли ўғил ва қизларни танлаб олиш ва тарбиялаш бўйича жиҳдий селекция ишларини амалга ошириш зарур» (*«Халқ сўзи», 2017 йил 16 январь*).

«Ёшлар ўртасида мамлакатимиз бой тарихини унинг бетакор маданияти ва миллий қадриятларини кенг тарғиб этиш, жаҳон илм фани ва адабиёти ютуқларини етказиш учун зарур муҳит ва шарт-шароит яратиш зарур» (*«Халқ сўзи», 2017 йил 16 январь*).

Педагогларимиз яхши билади, тарбия, одоб-ахлоқ соҳасида «миллий намуна» ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Фарзандларимизга аввало ўзимиз ҳамма соҳада – Ватанга, халқка садоқатли бўлишда, илмга, касб-хунарга меҳр қўйишда, ота-она, жамият олдидаги бурчимизни сидқидилдан адо этишда амалий намуна кўрсатишимиш керак (*Қашқадарё. Сайловолди учрашуvida айтилган*).

«Оқни оққа, қорани қорага ажратиш вақти ҳам келди. Шунда статистик рақамлар ҳам ҳақиқий аҳволни акс эттиради» (*«Халқ сўзи», 2017 йил 16 январь*).

«Аҳолининг барча тоифалари билан доимий мулоқотда бўлиш, фуқароларнинг қонуний талаб ва эҳтиёжларини нафақат ўргатиш, балки уларни таъминлашдан иборат» (*Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз*. Т.: «Ўзбекистон», 2017 йил, 14-бет).

«Профессор-ўқитувчиларнинг энг муҳим вазифаси – ёш авлодга пухта билим бериш, уларни жисмоний ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялашдан иборатdir» (*Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз*. Т. «Ўзбекистон», 2017 йил, 14-бет).

«Халқимиз азалдан юксак қадрлаб келадиган, ҳамма нарсадан устун қўядиган адолат туйғусини янада кенг қарор топтиришни биз биринчи даражали вазифа деб ҳисоблаймиз» (*Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз*. Т.: «Ўзбекистон», 2017 йил, 10-бет).

«Китобсиз тараққиётга, юксак маънавиятга эришиб бўлмайди. Китоб ўқимаган одамнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажаги йўқ». (Буюк келажагимизни мард ва олийжсаноб халқимиз билан қурамиз. Т.: «Ўзбекистон», 2017 йил, 114-бет).

«Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак» (*Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз*. Т. «Ўзбекистон», 2017 йил, 19-бет).

«Раҳбарларнинг фаолияти ижобий бўлса, халқ улардан рози бўлса, раҳмат деймиз, акси бўлса – биз бундай раҳбарлар билан хайрлашамиз» (*Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз*. Т.: «Ўзбекистон», 2017 йил, 19-бет).

«Бир-икки марта номига тадбир ўтказиш билан иш битмайди. Бу йўналишда ҳар куни, ҳар соатда, доимий ва тизимли равиша иш олиб бориш керак. Буни маънавий ҳаёт, ғоявий-мафкуравий иш деб қўйибди. Бу бизга ғалла ёки чигит экиш эмас, уруғни тупроққа ташладик, бўлди энди кутамиз, деб қараб ўтирасак» (*«Ватанимиз тақдири*

ва келажаги йўлида янада ҳамжихат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қиласайлик». «Халқ сўзи», 2017 йил, 16 июнь).

«Бунинг учун ўзини жамиятимиз, ёшларимиз маънавияти, ғоявий-мафкуравий тарбияси учун масъул деб билган инсонлар – бу маҳалла ёки диний ташкилотлар бўладими, хукуқ-тартибот идоралари ходимлари ёки катта таъсир кучига эга ижодкор зиёлилар бўладими – уларнинг барчаси, айниқса, фаол бўлишлари лозим» («Ватанимиз тақдиди ва келажаги йўлида янада ҳамжихат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қиласайлик». «Халқ сўзи», 2017 йил, 16 июнь).

«Яна бир масала – эл-юртга пешво бўлиб юрадиган муҳтарам имом-хатибларимиз юксак маънавияти, одобахлоқи билан, аввало, ўzlари бошқаларга ибрат ва намуна кўрсатмас экан, уларнинг ваъзхонлиги одамларга чишин чаққандек ҳам таъсир қилмайди. Холисона айтганда, барча имом-хатибларимиз шу талабларга жавоб бера оладими?» («Ватанимиз тақдиди ва келажаги йўлида янада ҳамжихат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қиласайлик». «Халқ сўзи», 2017 йил, 16 июнь.)

«Лекин бугунги кунда маҳалладаги, айниқса, уюшмаган ёшларнинг тақдиди билан ким қизиқяпти? Болалар кимлар билан ҳамсуҳбат бўлаётгани, ўқишга қачон бориб, қачон келаётганини ким назорат қиляпти? Ёшлар, хусусан, ўсмиirlар орасида безорилик, жиноятлар сони ортишига қандай омиллар сабаб бўлаяпти?» («Ватанимиз тақдиди ва келажаги йўлида янада ҳамжихат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қиласайлик». «Халқ сўзи», 2017 йил, 16 июнь.)

«Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз деган даъват

уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содик қолишга ундан турсин» («Ватанимиз тақдиди ва келажаги йўлида янада ҳамжихат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қиласайлик». «Халқ сўзи», 2017 йил, 16 июнь).

«Агар маҳаллангизда бола заарли диний оқимга кириб колган бўлса, уни нотўғри йўлдан қайтаришга ҳаракат қилинг. Аввало, улар билан гаплашиб, бу – ота-боболарнинг йўли эмас, бу йўлдан қайт, ҳақиқат мана бу ёқда, тинчлик ва эзгулик йўлидан бориб, ҳеч ким кам бўлмаган, деб уларни соғлом эътиқодга ишонтириш керак. Билим билан, ақл ва маърифат, намунали ёшлар билан ишонтириш керак. Тарихдан, бугунги ҳаётимиздан олган ҳаётий, таъсирчан мисоллар билан инонтириш керак» («Ватанимиз тақдиди ва келажаги йўлида янада ҳамжихат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қиласайлик». «Халқ сўзи», 2017 йил, 16 июнь).

«Агар биз шу йўналишдаги ишларни аввалгидек давом эттирадиган бўлсан, яъни умумий профилактика ишларини ёшлар радикал диний оқим аъзосига айланганидан сўнг ўтказадиган бўлсан, бундай хавф-хатарга қарши ҳеч қачон самарали кураша олмаймиз. Қисқача айтганда, узокни кўзлаб, керак бўлса, ҳаётда бир қадам олдинда юриб, бизни доғда қолдирмоқчи бўлганларнинг ҳийла-найрангларини аввалдан билиб, биринчи зарбани улар эмас, биз беришимиз зарур. Шунда давлатнинг – давлат, жамиятнинг – жамият экани бор кучи ва қудрати билан намоён бўлади» («Ватанимиз тақдиди ва келажаги йўлида янада ҳамжихат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қиласайлик». «Халқ сўзи», 2017 йил, 16 июнь).

«Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб қўйишимиз

ҳеч гап эмас» («*Ватанимиз тақдирі ва келажсаги йүлида янада ҳамжисұт бўлиб, қатъият билан ҳаракат қиласайлик*». «Халқ сўзи», 2017 йил, 16 июнь).

«Биз «жаҳолат» деганда одатда диний жаҳолат, ақида-парастликни тушунамиз. Лекин бугунги ҳаётый жараёнлар жаҳолат ҳамма соҳада ҳам учраши, агар унга қарши ўз вактида кураш олиб борилмаса, ўта оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Биз бугун жаҳолат деган балога иқтисодиёт соҳасида ҳам, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият тизимида ҳам, қўйингки, ҳаётимизнинг барча жабхаларида дуч келяпмиз ва бу иллат қўл-оёғимизда бамисоли кишан бўлиб турибди. Бу кишандан холи бўлмасдан туриб, тараққиёт ва ривожланиш ҳақида ҳеч қандай сўз бўлиши мумкин эмас» («*Ватанимиз тақдирі ва келажсаги йүлида янада ҳамжисұт бўлиб, қатъият билан ҳаракат қиласайлик*». «Халқ сўзи», 2017 йил, 16 июнь).

«Ўзбекистон ёшлар иттифоқи давлат ва жамият учун раҳбар кадрларни тайёрлаб берадиган ўзига хос марказ бўлиши, замонавий тилда айтадиган бўлсак, ёшлар учун «социал лифт» вазифасини бажариши керак. У билимли, ташаббускор ва ташкилотчи, фидойи ёш раҳбарларнинг кадрлар захирасини яратиши керак» («*Ватанимиз тақдирі ва келажсаги йүлида янада ҳамжисұт бўлиб, қатъият билан ҳаракат қиласайлик*». «Халқ сўзи», 2017 йил, 16 июнь).

«Дунёдаги ривожланган, демократик мамлакатларда ёшлар ташкилотлари дабдабали, баландпарвоз тадбирлар ўтказиш эмас, балки ёшлар билан бевосита ишлаш, улар билан амалий мулоқот қилиш, уларни ўйлантираётган ҳаётый муаммоларини ҳал этишга асосий эътиборни қаратади» («*Ватанимиз тақдирі ва келажсаги йүлида янада*

ҳамжисұт бўлиб, қатъият билан ҳаракат қиласайлик»). «Халқ сўзи», 2017 йил, 16 июнь).

«Ҳозирги кунда мамлакатимизда китобхонлик савиасини ошириш, мутолаа маданиятини юксалтиришга катта аҳамият берилаётгани сизларга маълум. Лекин, кўплаб болаларимиз китобдан узоклашиб, кўп вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказаётгани – бу ҳам бор гап. Биз фарзандларимизнинг онги, дунёқараши асрлар давомида синовдан ўтган, юксак маънавият хазинаси бўлган жаҳон ва миллий адабиётимиз асосида эмас, балки қандайдир шубҳали, зарарли ахборотлар асосида шаклланишига бепарво қараб туролмаймиз» («*Ватанимиз тақдирі ва келажсаги йүлида янада ҳамжисұт бўлиб, қатъият билан ҳаракат қиласайлик*». «Халқ сўзи», 2017 йил 16 июнь).

«Иқтидорли, тарбияли болалар билан ишлаш осон, лекин ҳаётда қоқилган ёки ёмон мұхитга тушиб қолган ёшларни тўғри йўлга, эзгу мақсадга даъват қилиш, ишонтириш қийин. Янги ташкилот мана шу оғир, лекин ўта зарур вазифани ўз зиммасига олиши айни муддао бўлур эди. Биз уюшмаган ёшлар, уюшмаган ёшлар деб кўп гапирамиз. Лекин бу масалани ҳукуқий ва амалий жиҳатдан ҳал қилишга келганда, очиқ айтиш керак, кўпчилигимиз нима қилиш лозимлигини билмаймиз» («*Ватанимиз тақдирі ва келажсаги йүлида янада ҳамжисұт бўлиб, қатъият билан ҳаракат қиласайлик*». «Халқ сўзи», 2017 йил 16 июнь).

## ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ СЎЗЛИГИ

**Жадал тараққиёт** – жадал тараққиётга тўрт омил уйгунлиги асосида эришилади. Бунинг учун энг аввалио тез ривожланиш суръатларига эришишни таъминлайдиган етарли инвестицияларга эга бўлиш; иккинчидан, пухта режалаштирилган тараққиёт модели ва бу моделни узлуксиз амалга оширишга қаратилган механизм ва «йўл хариталари» зарурлиги, учинчидан эса, ана шу юксак суръатларни таъминлашга қодир бўлган инсон капитали, салоҳиятли кадрлар, мутахассисларнинг бўлиши, тўртинчидан эса, жадал ривожланиш моделини рўёбга чиқаришга қодир ирода, лидернинг жамиятни етакловчи кучи ва қатъий азму қарори тақозо этилади. Мамлакатимизда ана шу омилларнинг барчаси бор.

**Маънавият** – тушунчасининг асосида ростлик, ҳаққонийлик, тўғрилик мужассамдир. Мисол: одамлар Пайғамбаримиз Мұхаммад (с.а.в)ни «амин», Амир Темур бобомизни дўстлари ва рақиблари «ростгўй» дейишган, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳақида ҳалқимиз «тўғри сўз», «адолатли одам», «сўзи ва иши бир инсон экан», дейишмоқда. Ҳадисларда иймондан кейин келадиган, аммо иймон қадар азиз турадиган сўз борми, деб сўрашганида, Пайғамбаримиз: «Бор у сўз лафзdir», деганлар. Лафз эса тўғриликдир. Биз тўғрилик замонида яшаемиз.

**Маърифат** – билим бериш, ҳабардор қилиш, ўргатиш маъноларини ифода этади. Маърифатнинг иккинчи маъноси инсон онги, қалби, ҳаёт тарзини ижобий томонга ўзгартириб, яхшилик қилиш, савоб ишларни амалга оширишга ундейдиган куч сифатида намоён бўлади.

**Маҳалла маърифати** – худуддаги турли тоифага мансуб аҳоли вакиллари орасида мунтазам сухбатлар, учрашувлар ўтказиб, долзарб масалалар юзасидан огоҳлик ва ҳабардорликни таъминлашда намоён бўлади. Шунингдек, маҳалла худудида истиқомат қилувчи нуронийлар, обрў-эътиборли шахслар ва ёшларни бир-бирига боғлаш, ворисийлик анъаналарини давом эттириш, ижтимоий-маънавий кўмакка эҳтиёжманд одамларга аниқ максадга қаратилган кўмакларни уюштириш ҳам маҳалла маърифат мазмунини ифода этади. Бу фаолият худуддаги турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолганлар билан олиб бориладиган тарбиявий ва тушунтириш ишларида, ишсизларнинг бандлигини таъминлаш, оила мухитидаги низоларни ечишда ҳам намоён бўлади.

**Банк маърифати** – билим бериш, ўзгартириш, яхшилик қилиш маъноларини ифодалайди. Ҳар соҳанинг ўз маърифати бор. Банклар ҳар бир фермер, ҳар бир оила билан тадбиркорлик борасида мулоқот ташкил этишлари, уларга ўзини ўзи бοқа олишларини оддий, содда тилда ўргатишлари, тадбиркор ва фермерга эса бир-бирини қўллаш, ўзаро кўмак бериш мухитини сингдиришларида намоён бўлади. Президентимиз **Шавкат Мирзиёев айтганидек, «банклар энди ҳалқимизни тадбиркорликка, ишбилармонликка ўргатиши ва етаклаши лозим»** (Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т. «Ўзбекистон», 2017 йил, 23-бет).

**Ислом дини маърифати** – муқаддас динимизнинг ҳақиқий қадриятларини одамларга оддий, содда тилда тушунтириш, ислом маънавияти моҳият эътиборига кўра тинчлик, ҳамкорлик ва бағрикенглик тамойилларини ўзида ифода этиши, динимиз учун инсон дилини ранжитиш, жоҳиллик, айрмачилик ва вайронагарчилик ёт эканини аҳолига, хусусан, ёш авлод вакилларига Англияниш, уларни экстремизм ва ақидапарастлик ғояларидан муҳофаза қилишни назарда тутади.

**Профилактика** – турли хил ҳавфлар, яъни техноген, эпидемологик, тиббий, диний-экстремистик таҳдидлардан одам-

ларни муҳофаза этиш чораларини кўриш, экстремистик, яъни ёт ғоялардан муҳофазаланишнинг энг самарали чораларидан бири – бу одамларнинг бандлигини кафолатли таъминлаш, дунёқарашини бойитиб ўзгартириш, ҳамкорлик қилиш, позитив баҳоловчилик фазилатини шакллантириш орқали уларни ижтимоий фойдали ҳаётга интеграция қилишдир.

**Илм** – муайян бир соҳа бўйича эгалланган билимларнинг мантикий тартиблаштирилишидир. Олинган билимларнинг тизимга солиниши ва англанишидир. Фақат англанган ва тизимга солинган билимларнигина бошқаларга ўргатиш мумкин. Шу боисдан ҳам илм нафақат мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, индустрисал ривожини таъминлайди, балки жамият билим савиясини юксалтиришда катта амалий аҳамиятга эгадир.

**Эътиқодий боғланиш** – эътиқод арабча «боғланиш», «уланиш» деган маъноларни ифодалайди. Бирор-бир одамга қасб-машғулот ёки қизиқишлиар яқинлиги орқали муносабатлар мустаҳкамлиги таъминланади. Худди шундай ҳолатни Ватанга муҳаббатда ҳам кўриш мумкин. Ватанга эътиқод ва садоқат билан боғланиш ҳалқнинг она тили, маданияти, урфодатларини пухта билиш, миллий меросимизни чуқур ўзлаштиришга эришилгандагина амалга ошади.

**Халқ билан мулоқот** – давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни ифода этади. Халқ билан мулоқот турли даврларда турлича кечган. Агар Соҳибқирон Амир Темур даврида арз қилиб келган одамлар орқали ҳолат ўрганиб борилган бўлса, айрим ҳукмдорлар одамларнинг турмуш шароити ва муаммоларини ўрганиш учун либос ва қиёфаларини ўзгартириб, тунда шаҳар ва кишлoқларни кезишган. Бир сўз билан айтганда, миллий тарихимизда халқ билан мулоқот аниқ бир тартиб ёки қонун-коидалар асосида эмас, балки ҳар бир ҳукмдорнинг шахсий рағбати, хоҳиши доирасида амалга оширилган. Ҳозирги вақтда халқ билан мулоқот Ватанимизда маҳсус ишлаб чиқилган тизимли фаолият сифатида йўлга кўйилди. Бу

фаолият одамларнинг ҳаёти, турмуш тарзи, дарду ташвишлари давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан тизимли ўрганиб борилишини таъминламоқда, иккинчи жиҳатдан, аҳолининг ўз ташаббуси билан қиласиган мурожаатларини бетўхтов қабул қилиб эшитиладиган механизм, виртуал қабулхоналар ишлаб турибди.

Халқ билан мулоқот нафақат одамларни тинглаш, балки уларнинг таклиф ва тавсиялари асосида мамлакатимизни янада ривожлантириш имкониятларини кенгайтиришни ҳам назарда тутади.

**«Йўл ҳаритаси»** – бирор-бир мақсадга оқилона йўл билан эришишнинг пухта ишлаб чиқилган режаси, қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорларни самарали амалга ошириш, кўзланган режалар ва муддаоларни рўёбга чиқаришнинг энг мақбул механизми. «Йўл ҳаритаси» – қонунлар ва бошқа ҳукуқий-меъёрий хужжатларнинг очиқ, ошкора ва шаффоғлик билан ҳаётга жорий этилишини таъминлайди.

**Портал** – лотинча «эшик», «дарвоза» деган маъноларни ифода этади. Яна бир маъноси – ёпиқлик эмас, ҳамиша очиқлик маъносини, яъни очиқ турувчи эшиклар маъносини ҳам англатади.

Шунингдек, «портал» сўзи Ватанимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳозирги даврида аҳолининг муаммолари, ариза ва шикоятлари, таклиф ва мурожаатларини доимий равишда қабул қилиб оловчи ҳамда муносабат билдирувчи муассаса маъносини ҳам билдиради. Портал сўзи, ҳалқимиз маънавияти, мулоқот тизимида адолатни муқаррар ўрнатишга қодир бўлган қадрли атамага айланди.

**Электрон ҳукумат** – бошкарув жараёнларини, яъни, топширикларни тез етказишдан тортиб, қарор қабул қилиш ва унинг самарали назорат механизмагача бўлган ишлар, шунингдек, вертикал ҳамда горизонталь таъсир омилларининг оптималлашувини ифода этади.

**Электрон хукумат тузилмалари, шакллари, муносабатларнинг замонавий шакли ҳамдир.** Электрон хукумат тўла куч билан ишлай бошлагач, ходимларнинг катта сарф-харж қилиш, вақт йўқотиш, сунъий равища топшириклар ижросини пайсалга солиш сингари иллатларига барҳам берилади. Ҳаёт суръатлари тезлашади.

**Шахсий масъулият** – давлат ва жамият талабларини бажаришда масъул шахснинг сиёсий, ахлоқий, касбий ва маънавий жиҳатлардан ўзини намоён этиш даражаси. Шахсий масъулият инсонга кўйилаётган талабларни бажаришга нечоғлиқ қодирлиги, уларни қай даражада англай олиши, талаб қилинаётган натижага эришиш ва ташки омиллар таъсиридаги ҳаракатларнинг оқибати учун инсоннинг жавобгарлиги, бу оқибатларни олдиндан кўра билиш сингари масалаларни қамраб олади. Шахснинг ижтимоий ваколат ва имкониятлари қанчалик кенг бўлса, унинг шахсий масъулият даражаси ҳам шунча юқори бўлади. Шахсий масъулиятга уч нарса доимий равища куч бағишлиб туради: Ватанга бўлган чин муҳаббат, ҳалқни севиш ҳамда ўз касбига меҳр, ишлаб завқлана олишдир.

**Механизм** – грекча сўз бўлиб, «восита», «курол», «машина» маъноларини ифода этади. Муайян иш тартибини жорий этиш ва бу иш тартибини бошқаларга узатиш тизимини ўзида намоён этади. Механизм аввал муайян тизимнинг бир ёки икки қисмини ишга туширади ва кейин бутун тизим ҳам бошланган ҳаракатга қўшилиб кетади. Шу боисдан ҳам, муайян катта ишлар даставвал бир-икки одамни ҳаракатга туширишдан бошланади. Бугунги кун мисолида Ҳаракатлар стратегиясининг муваффақияти, энг аввало раҳбарлар, мутасадди шахслар ва мутахассисларнинг реал ҳаракатга келишига боғлик.

**Кафолатли хавфизлик** – давлат, жамият ва одамлар тинчиликнинг тўлиқ ва ҳар томонлама таъминланишини ифода этади. Давлат миқёсида кафолатли хавфизликни таъминлашда

бир томондан узоқ ва яқин давлатлар билан ўзаро муносабатда «ракобат эмас, ҳамкорлик» тамойили асосидаги ёндашув муҳим роль ўйнаса, иккинчи томондан, кафолатли хавфизликни Президентимиз асослаб берган «дўстлик ва ҳамкорлик, тинчлик гарови» экани таъминлаб бермоқда. Жамият ва одамларнинг кафолатли хавфизлигини таъминлашда аҳоли яшаш жойларида маҳалла инспекторлари ва нозирларнинг ўз оиласлари билан муқим яшашлари, туну кун маҳалла худудида айланиб юришлари муҳим роль ўйнамоқда.

**Китобхонлик кўникмаси** – аҳоли турли табақалари, хусусан, ёшларни бадиий ва бошқа йўналишдаги адабиётларни мунтазам мутолаа қилиш асосида китоб ўқишига одатлантириш англашилади. Китоб ўқишига одатланиш ҳаётдан завқлана олишга, инсонни маънавий бутун ва кучли бўлишга, уни фақат эзгуликлар қилишга, жаҳолатдан узоқлашувга ундан туради. Китобхонлик кўникмасига эгалик фазилати янги Ўзбекистон фуқароси маънавиятигининг узвий жиҳатига айланмоқда.

**Ишонтириш** – бир инсоннинг бошқа инсон, гурӯҳ ёки жамиятга ўз қарори, ғоялари билан ўтказувчи таъсири ва уларни ўз ортидан етаклай олишидир. Ишонтириш омилининг самарадорлиги илгари сурилаётган ғоянинг нечоғлиқ тўғрилиги, ҳаққонийлигига боғлик. Ҳаракатлар стратегиясининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳам унинг тўғрилиги, ҳаққонийлиги, ҳалқ манфаатининг устуворлигига намоён бўлади.

**Интонтириш** – ишонтириш борасида қилинган ишларнинг реал самараси бўлиб, кўп меҳнат сарфлаб, одамлар ишонтирилгандан кейин уларнинг доимий ҳаракатда бўлиши, эришилган рух ва суръатни саклаш учун қилинадиган саъй-ҳаракатлар англашилади. Интонтириш кишини бамайлихотирликдан, ютуқларга маҳлиб бўлиб қолишдан асрайди, бир довонга чиқиб олгандан кейин, олий максад йўлидаги иккинчи довонни ҳам забт этиш сари интилишининг барқарор бўлишини таъминлайди.

**Стратегия** – ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг бош йўналиши, барча саъй-ҳаракатларнинг пойдевори, давлат ва жамият ҳәётидаги туб бурилиш даври учун хос бўлган бошқарув санъати мазмунини ифода этади. Стратегиянинг бугунги кун учун хос бўлган маъноси ҳозирги мураккаб даврда Ўзбекистоннинг эркин ва фаровон давлат бўлишига эришиш, одамлар ҳәётини тубдан яхшилаш, баҳтли турмушини, кафолатли тинчлигини таъминлаш, ҳар бир инсоннинг эрганги кунига бўлган ишончини мустаҳкамлашдан иборат.

**Янги инвестицион сиёсат** – тараққиётнинг юксак суръатларини таъминлаш, ҳалқ фаровонлигини ошириш, мамлакатни замонавий технологиялар асосида индустрлаштириш, юқори интеллектуал ресурслар талаб этадиган соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилган давлат сиёсатидир. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган жадал тараққиёт суръатларини таъминлаш учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш катта аҳамиятга эгадир. Бугунги кунда Туркманистон, Қозогистон, Россия ва Хитой мамлакатлари билан имзоланган инвестицион шартномаларнинг ўзиёқ 50 миллиард доллардан зиёд маблағни ташкил этмоқда. Бундан ташқари, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки ҳамда Ислом тараққиёт банкидан жалб этилиши мўлжалланаётган маблағларнинг умумий ҳажми ҳам 10 миллиард доллардан зиёддир. Агар ана шу рақамларни 2015 йилги натижалар билан таққослайдиган бўлсак, фарқ бир неча баробардан ошади.

**Амалий намуна** – муайян мақсадларни самарали рӯёбга чиқазиш, соҳалар ривожини тезлаштиришда раҳбарлар, фаол шахслар ёки мутахассисларнинг бошқаларга шахсий ибрат бўлишидир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев китобхонлик кўникмаси ва мутолаа маданиятини ривожлантиришда ота-она, педагогларнинг ўшларга амалий намуна бўлиши нечоғлиқ зарурлигини алоҳида қайд этган эди.

**Тадбирлар маърифати.** Тадбир сўзи арабчада «ўйлаш», «фикрлаш», «мулоҳаза юрита олиш» маъноларини ифода этади. Тадбирлар маърифати деганда одамларни ўргатишга асосланган фаолият, йўлашга ундейдиган фаолият, қўллашга йўналтирилган фаолият англашилади. Президентимиз Ш.Мирзиёев тадбирлар маърифатини ошириш зарурлиги ҳақида айтганларида одамларни мустақил фикрлашга, ҳар ишда ақл билан ёндашиш зарурлигига, мулоҳазали бўлишга ундовчи маърифатни кучайтиришни назарда тутадилар.

Янги даврнинг энг муҳим хусусияти мустақил ўйлай оладиган, тафаккур юритиб, тўғри, маъқул ва мақбул иш тута оладиган, ватанпарвар ҳамда маънавияти юксак бўлган шахсларни шакллантириш ва тарбиялашдан иборатдир. Зоро, ҳар қандай давлатнинг маънавий кучи ҳам ижтимоий институтларнинг таъсирчанлиги ва жамият аъзоларининг касбий камолоти ҳамда жамиятга хос тартиблар, қоидалар, меъёрларга риоя қилиш дарражасига боғлиқдир.

**Ҳамкорликда ишни ташкил этиш** – ахборот ёйилиши доирасининг тез кенгайиши турли ташкилотлар, шахслар фаолиятларни самарали, турли хавф ва таҳдидлардан ҳимояланган тарзда иш натижаларини кафолатланган ҳолда ташкил этишини кун тартибига қўймоқда. Фаолиятни самарали ташкил этиш учун эса турли ташкилотлар юридик ва жисмоний шахслар битта мақсад ийлида мустаҳкам бирлашишлари, ўзаро келишмовчилик, манфаатпастликка чек қўйилади. Иш фойдасини устувор билиб ёндашишлари лозим. Ҳозирги пайтда умумий манфаат ийлида турли ташкилотларнинг бирлашишлари жараёнлари ташкилий-хуқукий жиҳатдан йўлга қўйилди. Эндиғи вазифа ана шу ишни конкрет континт, яъни аниқ мазмун билан бойитган ҳолда амалга оширишдан иборат. Ҳамкорликдаги ишни самарали йўлга қўйиш, уни мазмундор ҳамда ижтимоий фойдали кила олиш эса шахс омилига, унинг ақл-фаросати, ташаббускорлигига, феъли, иродасига боғлиқдир. Дунёда об-

рў-эътибор топган барча инсонлар ўз соҳаси бўйича ҳамкорликдаги фаолиятни йўлга қўя олганларлари билан иззат топмоқдалар.

**Коммуникация** – XXI асрда инсон фаолиятини, ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўзаро боғловчи, йўналтирувчи турли хил оммавий мулоқотларсиз, коммуникацион жараёнларсиз тасаввур килиб бўлмайди. Бу даврга келиб илмий-техник тараққиёт туфайли замонавий алоқа воситалари вужудга келди ва гуркираб ривожланди. Ўтмишнинг анъанавий жамиятларида оммавий мулоқот воситаларига эҳтиёж катта бўлмаганлиги учун бундай воситалар ролини чопарлар, элчилар, хабарчилар бажаришган.

«Коммуникация» атамаси лотин тилидаги «communicatio» – яъни, «биргаликда бажараман», «боғлайман», «мулоқотда бўламан» сўзларидан келиб чиқсан бўлиб, инсондан инсонга, бир авлоддан иккинчи авлодга муайян ахборот, фикр, ҳис-туйғунинг узатилишини англатади.

Оммавий ахборот воситалари анъанавий коммуникация турларидан бири ҳисобланиб, аҳоли турли табақалари вакилларига очик, оммавий тарзда, маҳсус техник воситалари ёрдамида турли маълумотларни узатиш учун фаолият юритиб келаётган ижтимоий институтлар саналади. Оммавий ахборот воситаларига вақтли матбуот, радио, телевидение, овоз ёзиш, суратга олиш, видео ёзув, компьютер маълумотларини тўплаш, таҳлил қилиш, узатиш ва кўпайтиришнинг индивидуал воситалари, Интернет тизими ва ҳоказолар киради.

Бугунги кунда коммуникацион тизимлар қаторида интернет устувор мавқега эга бўлиб олди. Ҳозирги вақтда ўн миллиондан ортиқ ўзбекистонлик ёшлар интернет тармоқларидан интенсив фойдаланиб келмоқдалар. Бу ердаги энг катта муаммолардан бири виртуал макондаги турли-туман ахборотлар мазмуни ҳеч қандай давлат ёки нодавлат ташкилотлари ёхуд жамиятнинг ижтимоий-маданий қадриятлари томонидан мувофиқлаштирилмай келинмоқда.

**Адолат** – арабча сўздан олинган бўлиб, «тўғри, рост, хаққоний» деган маъноларни ифода этади. Дунёдаги барча ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар айнан адолатни ўрнатишга даъватдан бошланган. Адолат тантанаси шахс омилига бевосита боғлиқ бўлиб, тўғриликни ҳаётнинг бош тамоили деб билган ҳукмдорлар бошқарган давлат ва жамиятларда адолат барқарор ўрнатилган. Хусусан, уч минг йиллик тарихимизга олтин ҳарфлар билан битилгувчи Тўмарис, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳукмронлигидаги давлатларда ташкил этилган адолатли бошқарув, илм-фан, санъат, ҳунармандчилик, бунёдкорлик ривожига кенг йўл очган.

Жадал тараққиёт ва янгиланишларнинг туб ислоҳотларини бошлаб берган «Ҳаракатлар стратегияси» мамлакатимизнинг барча соҳаларида баравж юксалишни барқарор жорий этиш, ҳалқимизнинг яхши яшашга, баҳтли турмуш кечириш, ривожланган дунё даражасидаги фаровон ҳаётга эришишдан иборат орзуларини рўёбга чиқаришга йўналтирилган адолат мезонидир. Адолат бугунги кунда одамларнинг дардини эшитишда, муаммоларни ҳал этиб беришда, арzon ва қулай уй-жойларга эга бўлишда, саломатли ҳавфсизлигини таъминлашда касб, билим, ҳунар ўрганиш имкониятларининг кенгайишида, кўплаб саноат корхоналарини бунёд этишда равон ва текис йўллар, маданият ва спорт иншоотлари барпо этилишида, давлат идораларининг ҳалққа тўлалигича хизмат қилишида намоён бўлмоқда. Президентимиз Ш. Мирзиёев Ўзбекистон Президенти лавозимига киришиш мажлисидаги нутқида бу масалага ўзининг муносабати қандайлигини очик-равshan ифодалади: «Ҳалқимиз азалдан юксак қадрлаб келаётган, ҳамма нарсадан устун кўядиган адолат туйғусини ҳаётимизда янада кенг қарор топтиришнинг биз биринчи даражали вазифамиз деб ҳисоблаймиз».

**Мустақил фикрлаш** – эркин мулоҳаза қилиш, ўйлаб иш тутиш, фикрлаш, тафаккур юритиши фазилати табиатда фақат ин-

сонга берилган бўлиб, фикрлаш даражасига кўра ҳар бир одамнинг нечоғли инсоний эканлигини аниқлаш мумкин. Тафаккур юритиш, фикрлашнинг кўринишлари ҳар хил бўлади. Масалан, анъанавий ёки модеристик фикрлаш, шарқона ёки ғарбона ўйлаш, жамоавий, индивидуал ёхуд мустақил тафаккур юритиш хилларини қайд этиш мумкин. Улар орасида мустақил фикрлаш кўриниши алоҳида ўрин тутади.

Кўп минг йиллик ҳалқ анъаналари ва қадриятларидан куч олувчи мустақил фикрлаш инсоннинг эркин мулоҳаза юритиб, бирор бир муаммо юзасидан ўзига яхши-ёмон, фойда-зарар, бирор ташқи тазиикларсиз бамайлихотир чамалаб кўриш асосида хulosага келиш имкониятини ифодалайди. Мустақил фикрлаш даражасига инсоннинг бирор бир фаолият, касб-хунарни эгаллаш йўлида муайян босқичларга эришиш, турли соҳалар бўйича ўзлаштирган билимлари ва ҳаётий тажрибалари негизида эришилади.

Мустақил фикрлаш ўз мазмунига кўра икки хил бўлиб, негатив, яъни фақат ўз шахсий манфаатини ҳамма нарсадан афзал кўриб, ҳаракат қилувчиларга ва позитив, яъни одамлар учун наф келтиришни ўйлаб иш тутувчи одамларга ажратилади.

Миллий тарбияягабўлган, ҳалқимизменталитети негизида шаклланган юксак маънавиятли инсон ҳаётида даставвал бошқаларга маъқул ва мақбул бўладиган иш тутишга мойил бўлади ҳамда ижтимоий ва шахсий манфаатлари уйғунлигини таъминлай олади. Шу боисдан ҳам Президентимиз Ш. Мирзиёев бу масала юзасидан шундай дедилар: «Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган юксак интелектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгқурларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, баҳтили бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятлари ни сафарбар қиласиз».

Мустақил фикрлаш салоҳиятининг шаклланишига мутолаа омили, инсоннинг ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бори-

ши катта аҳамиятга эгадир. Ёшларда мустақил фикрлаш, мутолаа маданиятини, китобхонлик кўнинкасини ривожлантириш учун қўйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

– ўсиб келаётган авлоднинг ёш фарқларига кўра, улар томонидан мутолаа қилиниши мажбурий бўлган бадиий адабиётлар рўйхатларини шакллантириш;

– бадиий адабиётлар мутолаасини узлуксиз давом эттириши учун ҳар ҳафта ва ҳар ойда ўқилиши зарур бўлган китоблар рўйхатини тузиш;

– ҳар бир ўқиб чиқилган бадиий адабиётлар бўйича китобхонлар муҳокамаларини ўтказиб бориш;

– ҳар бир китобдаги тарбиявий ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ибратли лавҳалар воқеа ва ҳолатлар (кейслар)ни ажратиб олиш ва тавсифлаш;

– таълим муассасаларида, маҳалла гузарларида, нодавлат, нотижорат ташкилотларида «Мумтоз адабиёт билимдони», «Энг кўп китоб ўқиган китобхон», «Сўз санъатининг моҳири» номинациялари доирасида танловлар ташкил этиш ва ғолибларни муносиб тақдирлаб бориш.

**Ростлик, тўғрилик** – ҳар бир ишда мантиқли ёндаша олиш, ҳақиқатни фаолиятини асосий-кўрсаткич ва мезон деб билиш, маънавий тарбияни ўқ илдизи, ҳамма нарсани ўз номи билан аташга ўтиш механизмини ифода этади. Тўғрилик ҳақида пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом ўз фазилатлари ҳақида сўзлаб шундай деганлар: «Мен рост гапни яхши қўраман» (*Расулуллоҳ алайҳиссалом сийратлари. Нур ул-яқин. Т. F. Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017 йил. 261-бет*).

Рост яшаш, рост гапиришга ўргатиш энг мушкул ва мураккаб ишлардандир. Мусо алайҳиссалом яхудийларни рост сўзлаш, тўғри яшаш ва қулликни ўргатишлари учун 40 йил мобайнида Синай саҳроларида кўчманчи ҳолида олиб юрганлар (*Мухаммад Сиддиқ Руштий. «Авлиёлар сultonи – туронлик валийлар*. Т.: «Камалак», 1995, 127-бет).

Амир Темур ҳазратлари ҳам ростликни ички ва ташки сиёсатни юргизишда, оила тарбиясида, дину диёнатга риоя этишда бош қадрият деб билганлар. У кишининг тузукларида «Рости – русти» деган ёзув ҳам «Куч – тўғриликдадир» деган маъно ифода этган.

Ҳаким ат-Термизий «Маърифат ул-асрор» номли китобларида «Сидкни ҳақиқат деб изоҳлайдилар ва сидкнинг бошланиши тўғриликдир, тўғриликнинг асли Ҳақ таоло сенга буюрган, билдириган ва берган нарсада чиройли ихтиёр қилишдир. Унинг иши ҳар бир нарсани ўз ўрнига кўйишдир» деб таъкидлайдилар (Ҳаким Термизий. «Маърифат ул-асрор». Т.: 2017. 55-бет).

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда олиб борилаётган кенг кўламдаги ислоҳотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳам ҳар бир ишда ростлик, тўғрилик билан ёндашишда намоён бўлмоқда.

**Уюшмаган ёшлар** – бу ҳақида сўз борар экан, биз кўпроқ ўттиз ёшдан ошмаган, фойдали ижтимоий фаолият билан шуғулланмаётган ёки ишлаш, ўқиш ва бошқа фаолият орқали жамият ҳаётида фаол иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган ёшлар қатламини тушунамиз.

Шу нуқтаи назардан, уюшмаган ёшлар билан ишлашнинг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:

- уюшмаган ёшларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;
- уюшмаган ёшларнинг ҳаёти ва соғлигини сақлаш;
- маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш;
- очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш;
- ишга жойлаштириш ва уларнинг доимий бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш;
- ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш;

– ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-харатклардан, тероризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш;

– ҳукуқий онги ва ҳукуқий маданияти даражасини юксалтириш;

– уюшмаган ёшлар орасидан иқтидорли ва истеъодли ёшларни аниқлаш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

– тадбиркорликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

– уларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, шунингдек, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

– ёш оиласарни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш;

– ёшларнинг хуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш орқали қуйидаги натижаларга эришиш мумкин:

Аввало уюшмаган ёшларнинг салмоғи, уларнинг муаммолари ва эҳтиёжлари ўрганилади. Шунингдек, уюшмаган ёшлар сони кўп бўлган худудлар аниқланади.

Иккинчи боскичда уюшмаган ёшлар қизиқишлиари, эҳтиёжлари, муаммолари ва бошқалар бўйича тоифаларга ажратилади. Ушбу боскич давомида ёшлар сиёсатининг амалга оширилиш ҳолатини баҳолаш, келажакдаги устуворликларни илмий прогноз, яъни башорат қилиш, оқибатларини олдиндан кўра билиш имконияти туғилади. Бу жараёнда манфаатдор вазир-

лик, идора ва ташкилотлар билан мавжуд муаммоларни ҳал этиш механизмлари ишлаб чиқилади.

Учинчи босқичда худудлардаги уюшмаган ёшлар орасида учраётган муаммоларни ҳал этишга эътибор қаратилади. Дастурларнинг худудлар кесимида ишлаб чиқилиши худудларга хос бўлган аниқ муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш имконини беради.

Тўртинчи босқичда дастурларнинг ижроси устидан мониторинг олиб борилади. Мониторинг жараёнида дастурлар ижросини таъминлаш жараёнидаги муаммолар аниқланади. Шу билан бир қаторда мавжуд вазиятдан келиб чиқсан ҳолда дастурларга тузатишлар киритиб борилади. Бу эса дастурларни аниқ вазият ва ҳолатдан келиб чиқсан ҳолда ўз вақтида такомиллаштириш, шунингдек, дастурларни ишлаб чиқиш жараёнида инобатга олинмаган муаммоларни ҳам ҳал этиш имкониятини оширади.

Юқоридагилар билан бир қаторда, уюшмаган ёшлар билан ишлашнинг аниқ механизми яратилади, уюшмаган ёшлар билан ишлашда манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланади. Уюшмаган ёшлар билан ишлашнинг ягона механизми шакллантирилади, манфаатдор вазирлик ва ташкилотларнинг зиммасидаги вазифаларга аниқлик киритилади.

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Хукукий демократик давлат кўринишидаги халқ давлати қурилмоқда .....	6
Ҳаракатлар стратегиясининг илмий-назарий асослари.....	9
Ўтмишдан қолган асоратлар .....	13
Янги давр хусусиятлари .....	20
Ўзгарган сиёсат: реал қадамлар.....	23
Эгалик уй тўзғимас .....	31
Ҳаракатлар стратегиясининг тўла бажарилиши қандай натижаларга олиб келади? .....	35
Тараққиёт стратегияси маркази .....	39
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони .....	42
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармонига 1-илова .....	51
Президент Шавкат Мирзиёев асарларидан иқтибослар.....	82
Ҳаракатлар стратегияси сўзлиги.....	92

*Ижтимоий-сиёсий нашр*

## **ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ АСОСИДА ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ЯНГИЛАНИШ САРИ**

*Рисола*

Тўлдирилган иккинчи нашри

*Нашрга тайёрловчилар:*

Мансур Бекмуродов, Қаҳрамон Қуронбоев, Лазиз Тангриев

*Масъул мұхаррір*

**Оқиіл Салимов – Ўзбекистон Фанлар академиясы академиги**

*Тақризчилар:*

Нарзулла Жўраев – сиёсий фанлар доктори, профессор

Муҳаммад Қуронов – педагогика фанлари доктори, профессор

Мұхаррір Илҳом Зойир

Бадий мұхаррір Шуҳрат Мирфаёзов

Техник мұхаррір Дилмурод Жалилов

Мусаххих Доно Тўйчиева

Компьютерда саҳифаловчи Бобур Тухтаров

Нашр. лиц. АI № 290. 04.11.2016.

2017 йил 24 ноябрда босишига рухсат этилди.

Бичими 60x84 ¼<sub>16</sub>. Times New Roman гарнитураси.

Офсет босма 6,28 шартли босма табоқ. 5,4 нашр табоғи.

Адади 5000 нусха. 521-рақамли буюртма.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

Фауфур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа

ижодий уйида чоп этилди.

100128. Тошкент. Лабзак кўчаси, 86.

Телефонлар: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29

Факс: (371) 241-82-69

[www.gglit.uz](http://www.gglit.uz)      [info@gglit.uz](mailto:info@gglit.uz)



ISBN 978-9943-4919-6-0

9 789943 491960